

ҲАР ҲАФТАНИНГ ПАЙШАНБА КУНЛАРИ СИЗНИНГ БЕҲАРАЗ СУҲБАТДОШИНГИЗ

ОНА ЗАМИН ИЛҲОМЛАРИ

Ҳар йили 22 апрел куни жаҳон жамоатчилиги "Ер куни"ни нишонлайди. Бу кун бутун жаҳонда минглаб ташкилотлар ўз минтақаларида ерни асраш ва эъзозлашга даъват этувчи тадбирларни ўтказди. Шу жумладан, Республикаимизда ҳам она заминимизни асрашга бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Бадий Академиясининг марказий кўргазмалар залида "Экосан" халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Бадий Академияси, Республика Халқ таълими вазирлиги ва "Ўзтелерадио" компаниялари то-



монидан "Қарияларни қадрлаш йилида" эълон қилинган болалар суратлари кўрик-танловининг якунига ва "Обод маҳалла" йилига бағишланган "Отаҳонлар-онаҳонлар набиралар нигоҳида", деб номланган болалар суратлари ҳамда бутун жаҳон ерни асраш кунига бағишланган "Рассом ва замин", деб номланган таниқли рассомлар асарларидан ташкил топган кўргазмалар очилди. Танловларни ўтказишдан мақсад, ўсиб келаётган ёш авлодни, ота-оналар ва кексаларни ҳурматлаш, атроф-муҳитни, табиатни муҳофаза қилиш ва тарихий, миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизни эъзозлаш руҳида тарбиялашдан иборат.

Заллардан бирига мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар томонидан кўрик-танловга юборилган 200 дан ортиқ энг яхши суратлар қўйилган



бўлиб иккинчисидан кўзга кўринган рассомларнинг она еримизнинг гўзаллигини тарафдоран эътибори асарлари жой олган.

Болалар суратлари кўрик-танлови шартли рағба кўра Тошкент шаҳридаги 547-сон болалар боғчаси тарбияланувчиси Қорабоев Анвар, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги "Қувонч" боғча-мактаб ўқувчиси Рискиев Муҳиддин ва Ўрта Чирчиқ туманидан 54-мактаб ўқувчиси Тулебоева Камола, 6-мактаб ўқувчиси Пардаев Даврон ҳамда Қарши вилоятининг Навбахор туманидаги 11-мактаб ўқувчиси Имомов ва Шаҳнозалар ғолиб деб топилди, уларга диплом ва совғалар топширилди.

"Рассом ва замин" кўргазмасида рассомлар Тохиров Пахритдин, Чернишов Юрий, Мурсалимов Дильослар ғолиб топилдилар.

"ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ" ФЕСТИВАЛИ



Халқаро "Экосан" жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари Давлат қўмитаси, "Ўзтелерадио" компанияси ва Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти ҳайрихоҳлигида пойтахтнинг "Боғи эрам" маданият ва истироҳат боғида фестивал бўлиб ўтди. Фестивал дастуридан "Саховатли ер инъомлари", "Тошкент гуллари" кўргазмалари ўрин олган бўлиб, боғда бир қатор давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари иштирокида кўчатлар ўтказилиб "Дипломатлар аллеяси"га асос солинди.

"Энг обод маҳалла", "Оталар чойхонаси", "Кексаларни эъзозловчи намунали маҳалла" республика кўрик-танлови ғолиблари эълон қилинди.

"Энг обод маҳалла" кўрик-танловининг шартларига кўра Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳридаги "Розузар" маҳалласи эко-

логик кўрик-танловининг 1-босқичи ғолиби деб топилди ва соврин халқаро "Экосан" жамғармаси дипломи ҳамда пул мукофоти маҳалла раиси Файзулло Отабоевга топширилди.

Энг яхши "Оталар чойхонаси" кўрик-танлови ғолиби — Акмал Икромов туманидаги "Оқ тепа" маҳалласида жойлашган оталар

чойхонаси топилди. Энг яхши "Маҳалла" кўрик-танлови ғолиби — Тошкент туманидаги "Дўстлик" маҳалласи деб топилди.

Шунингдек "Тошкент гуллари" кўргазмаси ғолибларига қиматбаҳо совғалар берилди.

Л. АХМЕДОВА

Суратлар муаллифи — М. МИРСОДИҚОВ

БОР БЎЛИНГ, УЙИМНИНГ ЭРКАГИ...

Газетхон — газета
ва ҳаёт ҳақида



Суратда: Сурхондарё вилояти Сарйосиё тумани «Қамолат» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг раиси Райҳона Раҳимова оиласи даърасида. Унинг Ватан, Бахт, Оналик бахти, Инсонийлик саодати ҳақидаги шеърларини газетамизнинг 10-бетида ўқийсиз.

- 30 ёшни қаршилаяпман, - дейди Райҳона. - ТошДУ журналистика факультетини тугатганман. 2 нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Баҳром Шохимардонов. Сурхондарё вилояти божхона хизмати ходими. Президентимизнинг "Жасорат медали" билан мукофотланган.

Биз оиламиз билан "Оила ва жамият"ни севиб ўқиймиз. Уни қадрлаймиз. Уйимда шкафу, диван ўриндиғининг тағиғача "Оила ва жамият"нинг йиғма сонлари сақланади. Баъзан руҳан толиқанимда ёки кайфиятим чоғ паллаларда уларни олиб такрор-такрор ўқийман. Завқ оламан. Негаки мен дунёда энг муқаддас нарса, оила эканини ҳис этаман. Аёл кишининг бошпанаси, тиргаги, энг кераклиги бу - эр ва шириндан ширин фарзандларидир. Мен оила масаласида энг бахтли аёлман. Лекин уни мустаҳкамлаш учун қанчалар фидойи бўлишга уринганларим-чи...

Аёл киши фидойи бўлсагина ҳаётда оила масаласида ютиб чиқар экан. Бугун мен фарзандларимни қомил инсон қилиб тарбияларканман, масъулиятли лавозимда ҳам фаолият юритапман. Ўз машқларимдан юртдошларимга лутфан тақдим этаман.

Сиз менинг доимо керагим,
Сиз учун ургайдир юрагим,
Ташдир йўлларида шеригим,
Бошпанам остонада тиргагим,
Бор бўлинг уйимнинг эркаги!
Сиз билан уйимнинг файзи бор,
Сиз борсиз яшашнинг маъзи бор,
Рўзгорим номуси лафзи бор,
Ерларни кўрмаган кураги,
Бор бўлинг уйимнинг эркаги!

ШЕЪРИЯТ МУШОИРАСИ


Ахборот

Куни кеча Ўзбекистон уюшмасида 2002 йил шеърининг якунига бағишлаб тадбир ўтказилди. Ўзбекистон Миллий Университети ўқитувчиси Адҳамбек Олимбеков сўзга чиқиб, шоирликни ўзига қисмат деб билган ижодкорлардан катта изланиш талаб қилишини таъкидлади. Ижтимоий, фалсафий ҳамда турли фикрлаш йўлидаги изланишлар шеърларнинг қўнайишида ижодкорларга омадлар тилади. Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборов, Қутлибека Раҳимбоева, Фариди Афрўз ва бошқа кўплаб ёш ижодкорлар ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Тадбир чинакам шеърини мушоирасига айланиб кетди.

Ўз мухбиримиз

ЎЗИНГИЗНИ ҲИРСУ ҲАВОДАН АСРАНГ

Қария, кекса, нуроний, оксоқол, ота, бува, бобо ва буларга "лик" қўшиб айтиладиган қарилик, кексалик, мўйсифидлик каби номлар қандай табаррук, азиз, мўтабар, ёқимли. Бундай улуг исларга мўяссор бўлиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Аллоҳ таоло ўзининг севган, иймон-этиқодли, пок қалб, покдамон, фозил, доно бандаларига бундай табаррук ёшни ота этакди. Биз қариялар бунга шукроналар қилишимиз керак. Кекса киши ҳаётий қомус соҳиби, донолик, фаҳм-фаросат, ақл-идрок хазинаси, у ёш авлод учун тарбия маскани, мактаб, мураббий.



Бир ривоятда келтирилишича, бир подшоҳ: «Кексалардан ҳеч фойда йўқ, улар текин овқат ейди, меҳнат қилмайди, шунинг учун барча қариялар ўлдириб юборилсин», - деб ҳукм чиқарибди. Подшоҳнинг фармони баҳарилибди. Иттифоқо, орадан кўп ўтмай подшоҳ бир мамлакатга юриш қиладиган бўлиб қолибди. Лашкар билан йўлга тушдилар, 2-3 кундан кейин чўлу биёбонга келиб қолибдилар. Аскарлар ва отлар ниҳоятда чанқанган, сув қолмаган. Қайси томонга юрса ҳам, ҳалоқат. Шох: «Бу ердан биздан аввал ҳам одамлар юрган, бирон жойда қудуқ бўлиши керак», - дея чор-атрофга аскарларни юборди. Аскарлардан бири қудуқ бор жойни топибди. Қудуқча челақ билан бир аскарни туширсалар, қайтиб чиқмабди. Иккинчиси, учинчиси... Хуллас, қудуқча тушганларнинг бари ҳалоқ бўлаверибди. Шох ғазабланиб: «Бу ҳолда лашкарлардан маҳрум бўламиз, нима қилиш керак?», - дея бош вазира хитоб қилибди. Вазир: «Бу қудуқ сирини фақат кексалар биларди. Сиз эса барча қарияларни қатл эттирганиз», - дея жавоб берибди. «Бирорта қарияни қолдирмабдингиз», - ғазабланибди шох. «Битта қария бор. Бир қошқим қонимдан кечириб мени ўлдирмасангиз олиб келаман», - дебди вазир. Шох рози бўлиб қарияни келтирилсини буюрибди. Вазир ўз отасини ўлдирмай сандиққа солиб, туяга юклаб олиб юрган экан. Уни қудуқ бўйига олиб келишиб, унинг сирини сўрасибди. Оксоқол қудуқнинг уёқ-бу ёғини қўздан кечириб бир аскарни оёғидан қоғлаб, қўлига челақ бериб боши билан қудуқча туширибди ва у сув олиб чиқибди. Қудуқнинг сирини шунда эканки, ким оёғи билан тушса, ҳалоқ бўлар, боши билан тушса, сув олиб чиқар экан. Битта қариянинг донолиги билан бутун қўшин ҳалоқатдан ҳалос бўлади. Подшоҳ ўйламаган қилган ишидан қаттиқ гушаймон бўлади. Юқорида айтганимиздек табаррук кексалар қаторига қўшилиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Ёшликни қадрига етмаслик пала-партиш ҳаёт кечириш, ичкиликбозлик, кашандалик, бузуқчилик билан ўтказиш, қошона иморатлар қуриш, манманлик, ҳирсу-хавога берилган киши умрини қисқартиради.

Анушервон одил вазири Бузургмехрдан сўрабди: «Дунё матоси нима?» Вазир жавоб берибди: «Охиратга ярамайдиган нарсаларнинг ҳаммаси». Шу мато ортидан кечаю кундуз қувиш, ҳаром-ҳариш топишган мабғаларни ҳашаматли қасрлар, уй-жой анжомлари, чет эл машиналарига сарфлаш, тўй-маъракаларда ҳаддан зиёд исрофгарчиликларга йўл қўйиш. Булар ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатади, ахлоқини бузади, жамият интизомини йўлдан чиқаради. Энг асосийси, бу дунё матоси киши умрини қисқартиради, мўтабар қарилик ёшига етишдан маҳрум қилади. Бу матоларнинг ҳеч бири охиратга ярашмайди, бу дунёда қолади...

Азиз фарзандим, овоз юртимизнинг келажаги бўлмиш ёшлар, ўзингизни ҳирсу хаводан асранг, кексалик ғамини енг, мен ҳам табаррук ёшга етай, деб ниёт қилиб яшанг. Мендан: «Нима учун пайғамбаримиз «қарилик — мусибат» деганлар?» - деб сўрашди. Ёшлик қарилик ғамини емай ўтказса, фарзандлари солиҳ бўлмаса, маърифатсиз бўлса, қариганда ҳам ичкилик ичиб, чекиб юрса, оғир касалликча чалиниб қолса-ю, тарбия олмаган фарзандлари унга меҳр кўрсатмаса, халқ назаридан қолган бўлса, бундай қарилик — мусибат. Буюк Шайх Саъдий ҳам пайғамбаримиз ҳадисларига суяниб: «Ҳеч нарсаси йўқ қарилик мусибатдир», - деган эдилар.

Баъзи нафақа ёшига етган оталаримиз: «Ёшимни яшаб, ошимни ошадим, бўлди энди», - деб умидсизликка тушиб, ҳамма нарсани йиғиштириб, уйда ойнаи ҳаддан кўриш, кампир, келин, набираларга танбех бериш билан ўралиб, жамоатдан ажралиб қолади. Ўзларидиқой бий ҳаёт тажрибасидан бошқаларни баҳраманд қилмайдилар. Айрим қарияларимиз эса қариликни фақат маишат қилиш, тўйма-тўй юриш, қоринни дўппайтиришда деб биладилар. Бир никоҳ тўйида 74 ёшли домла стакандаги қоньякни ушлаб, ҳозир ҳам ичинини айтиб, ичкиликни мактаб кетди. Яна бир ўлтиришда 70 ёшдан ошган олимлар ёшлар олдида «намуна» бўлиб, ичиб, қип-қизариб ўтирдилар. Бу ёшлар тарбиясига қанчалик салбий таъсир еттишини у зотлар билишармикан? Баъзилари доим ҳаётдан шикоят қилиш, бировларни иғво қилиш, фисқу фасод гаплар билан ҳаммани энсаси-

ни қотириш билан банд. Халқ бундайларни: «Фалонки қариганда сергап бўлибди, ёмон қарибди», - дейди. Минг афсуски, баъзи қарияларимиз давлат томонидан таъминланган, қорни тўқ, эғни бут бўлатуриб, тиланчилик қилиб, пул тўлаб юрибдилар. Шариатимизда бир кеча-кундузга етарлиқ овқати бўлса-ю, гадоилик қилса, ҳаром, дейилган. Аллоҳ ҳаммамизни бундай қариликдан асрасин.

Қарияларимизнинг кўпчилиги халққа фойдали ишларни қилиб, фирмалар очиб, қариндош, фарзандларини иш билан таъминлаб, жамият учун фойдали меҳнат қилишда давом этмоқдалар. Туманларда шахсий фермерлик билан шугулланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб, ўз тажрибасидан ёшларни баҳраманд қилаётган, мамлакатимиз моддий бойлигига ҳисса қўшаётган 70-80 ёшли оксоқоллар кўплаб топилади. Бу борада кексаларни маҳаллаларда кўрсатаётган фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллалардаги ҳар бир тўй, дафн маросимлари, турли байрамларни ўтказиш оилавий можароларни ҳал этиш фақат бизнинг табаррук оксоқолларимиз ва онахонларимиз зиммасига тушган.

Ўзим зиёлилардан бўлганим учун, бу табақага мансуб қарияларимизнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётидаги фаолиятларини алоҳида таъкидламоқчиман. Таълим-тарбия, илм-фан соҳасида анчагина қарияларимиз ўз фаолиятларини давом эттириб, ёшларни тарбиялаш масаласига катта ҳисса қўшмоқдалар. Кекса зиёлиларимизнинг телевизор, радио миллий матбуотдаги кўрсатаётган фаолиятлари айниқса диққатга сазовордир.

Ўтган йили 78 ёшида вафот этган дўстим академик Бўрибой Аҳмедов умрининг охиригача, оғир касал ҳолатида ҳам илмий фаолиятини тўхтатмай, мамлакатимизда илм-фан тараққиётига катта ҳисса қўшиб кетди. Халқаро Фирдавсий мукофоти соҳиби, шарқшунос Шоислом ака Шомухамедов ҳозир 82 ёшда. Унинг илмий-тарбиявий фаолияти гулрубаб давом этаётти. Бундай мисолларни анчагина келтириш мумкин.

Азиз ҳамюртларим, буюк шоир Шайх Саъдий:

**Қомати ҳам гаштаи
пирон нишонни марг нест,
Як камон сад тирро
дар хок пинҳон мекунат.**

(Кексалар қоматининг эғлиб қолгани ўлимдан нишона эмас, битта эгилган камон юзта ўқни тупроққа киритиб юборади) деган экан. Қариликка сўз бермай, бий ҳаётий тажрибамизни ишга солиб, мамлакатимиз равақли, моддий ва маънавий тараққиётига, ёшлар тарбиясига ўз улуғлигини қўшайлик.

Азиз тенгдошларим, отахону онахонлар! Президентимиз томонидан 2003 йил «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Маҳаллаларда миллий анъаналаримизни жорий этиш, тўй ва маросимлардаги исрофгарчиликлар, бидъатларни бартараф этишда жонбозлик қилиб, бошқош бўлайлик.

**Ҳожи Исматуллоҳ
АБДУЛЛОХ,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби,
филология фанлари
доктори, профессор**

Наманган

МЕНИНГ БАРДОШЛИ ОНАГИНАМ

Ҳаммамиз учун суюкли ва ардоқли ота-онамиз ва она-онимиз бу йил олтинчи ёшдан ошдилар. Биз ўнча фарзандимиз. Катта акамиз 40 ёшга кирдилар. Умр ўтиб, оққан дарё оқиб кетаверар экан. Ўтган давларни қайтаришни эса ҳеч ким уйдасидан чиққан эмас. Фақат эслаш, хотирлаш бор. Яратганга шукри, ота-онамиз бизни ҳалол ва покиза қилиб вояга етказди, ўқитди. Ота бўлиб отанинг, она бўлиб онанинг қадрига етдик, турмуш ташвишлари ҳам бошимизга тушди. Отам 35 йил тиббиёт соҳасида ишладилар. Эл-юрт олқисини олиб, ҳалол меҳнат қилдилар, бизни ҳам шундай яшашга ўргатдилар.

Лекин ҳар кимнинг ўзига яраша дарди, алами, армони бор. Қариган чоғларида отамнинг кўзи оғир бўлиб қолди.

Яратгандан мадад сўрай-миз. Айтишларича,

**Фақат сизга
аталган сўзим**

кўзи оғир одам шу қунига ҳам шукр қилиб яшаса, у дунёда жаннатдан жой ҳозирлар эмиш, ўзига. Онаминг сочларига оқ, юзларига ажин туша бошлабди. Қани энди ота-она ҳеч қачон қаримаса. Ҳар доим ёнимизда юрса. Ўнча фарзанди дунёга келтириб, тарбия бериб, катта қилиб жой-жойига қўйишнинг ўзи бўлмас экан. Биз ҳам фарзандли бўлиб, бу нарсаларни озгина тушунган-декмиз. Фарзандларнинг тарбияси кўп жиҳатдан она зиммасида эканлиги боис, онамизга жуда қийин бўлган...

Ойларарида онам ва тоғам қолган эканлар. Бошқа ука-сингиллар турли хил касалликлардан нобуд бўлишган. Оталари уруш йилларида вафот этганлар. Онаси эса узоқ йил тўшақда қолиб, азоб чеккан экан. Онам бечора бир этак болаларидан, оиланинг туғанмас юмушларидан қайнона-қайнотаннинг гап-сўзларидан қийналса-да, онасидан хабар олиб келар экан. Оиламизда тўртта акам катта бўлганлар, кейин қизлар туғилган. Онам акамлар худди қиз болалардек ёрдам берганликларини, рўзгорнинг барча юмушларига қарашганликларини ҳали ҳам мамнун бўлиб айтиб юрадилар. Онагинам ўз онасининг ётган жойларини тазалаб, овқат едириб, яна рўзгорга — болачақасининг олдига қайтган. На ёйишида, на юришида ҳаловат бўлган. Онасининг бундоқ ҳол-аҳволдан ич-ичи-дан куйинса, ўзининг бир қиз эканлигидан, ёнида қўмақдоши, сирдоши йўқлигидан эзилган. Ёлғиз қиз бўлиш азобларини тортган. Тоғам ўқиш, иш билан овора бўлган. Онам момонни ташқарига қаратиш учун бир ўзи қийна-либ, кўтара олмай, бир амал-да олиб чиқиб яна жойига ётқизар экан. Мана шу хотираларни бизга кўзларига ёш қалқиб, бўғизига алам тоши тикилиб турса-да сезмаслигимиз учун майин жилмайиб

айтарди.

- Ёлғизлик дарди қурсин болам, шунинг учун «болаларим кўп бўлсин», деб худодан сизларни тиллоларга тенг қилиб тилаб олганман. Тоғанг ва мен кўрган кунларни сизлар кўрмганлар.

Ох, онахон, онахон!!! Бунчалар бардошли, бунчалар сабр-қаноатлисиз. Шунча ташвиш, алам ва меҳнатни кўрган бу сочларингиз нега оқармасин! Ҳали ҳам биз учун ёним-қўйиб яшайсиз. Битта синглим учун, уни ҳам ўқитиб уйли, жоили қилиш учун ҳали ҳам жонингиз ором олгани йўқ. Отажон-онажон ўзингиз учун қачон яшайсиз?

- Икковимиз ҳам сизларда яшаймиз болам. Ўтиб кетганимизда ҳам бир-бирларингизга отанг ва мени кўрасизлар. Доимо сизлар билан бирга бўламиз, - дейди муштароф онам.

Мен билган онам тенги аёлларнинг кўпчилиги ҳам ҳали-ҳануз болам.

деб яшаб келмоқда. Ўзлари учун яшашни ўйламайдилар. Инсон ўзи учун яшашни ҳам билиши керак эканлигини бизнинг соддадил, оққўнғил, жафоқаш, фарзанди учун жонини ҳам аймайдиган онахонларимиз билишмайди, бунга ўйлашмайди ҳам.

Эх, онахон, онахон, фарзандлари деб яшаётган онахоним. Сочларини оқ, юзларини ажин бошган онахоним! Сочларингизни оқартирган, юзингизга ажин солган биз фарзандларингиз эмасми? Севинсак-севинчимизга шерик, куйинсак биздан ҳам ўзи чандон ортиқ куйинган жаннати онахоним. Ўлло умрингиз узоқ бўлсин. Аввало отамиз учун, бизнинг келажагимиз учун жуда-жуда кераксиз. Тунлари ухламасдан катта қилиб, бор қийинчиликларни кўриб бўлдингиз, энди роҳат-фароғатини кўринг. Бир ўзингиз ҳаммамиз учун кераксиз. Бугунги кунда кўзлари кўрмай қолган отамизнинг бир қунига ҳеч биримиз ярай олмаимиз. Қариган чоғингизда бу ҳам сизга яратганингиз имтиноидир. Юрагингиз қандай кенг, бардошингиз тоғ.

Отамнинг бир сония хафа бўлиб ўтирган давларини кўриб қолсам, ўзимни йўқотиб, кўзларимга дунё қоронғулиқдан иборат бўлиб қолади. Отамга, сизга минг раҳмат, минг бор таъзим онахон.

Бу йил мучалингиз, олтинчи ёшга кирдингиз. Худодан сўраганимиз, қолган умрингизни роҳат-фароғатда, фарзанд-невара, чевара-эвараларингиз ардоғида ўтказинг. Янаги мучалингизни нишонлашга ҳам яратганингиз ўзи умр берсин. Бахтимизга соғ ва саломат бўлинг онахон!

**Замира МАМАНИЕЗОВА
Самарқанд вилояти,
Пахтачи тумани**



Раҳматли
энам — қай-
нонам: “Бек
боласини бе-
шиқ асрай-
ди”, деган
гапни кўп ва
хўб айтardi-
лар. Бу гап-
нинг маъзи
би знинг
олис-олис
тарихимизга,
ундаги хами-
ша барҳаёт

урф-одатларимизга, қадриятларимизга бориб тақалади. Азалдан серфарзанд халқимизнинг ҳар бир уйида бешик муқаддас ҳисобланади. Шу биргина бешик оилада нечта фарзанд бўлса, ўша оиладаги меҳр-муҳаббатнинг янада мустаҳкамланишига асосдир. Бундан ташқари, бешик тўғри келган даряхт-дар эмас, балки, инсон руҳан ва жисмонан соғлом ўсиши учун фойдали даряхтлардан ясалди.

БҮШ БЕШИКНИ
ТЕВРАТМА, БОЛАМ!



Бешикнинг яна бир ажойиб хусусияти бор. У қиз-

Қадриятларимиз ўзлигимиз

**Қадриятларимиз-
ўзлимиз**

лигидан ҳаётда оқибатли, диёнатли бўлиб тарбияланишларида муҳим аҳамият касб этади. Болани бола қатта қилди, деган гап бежиз айтилмаган. Она уй юмушлари ёки бошқа ташвишлар билан банд бўлган пайтда бешик ёнида, албатта, қўлидан уш келиб қолган қиз ўтиради. Чунки, бешик ҳеч қанча ёлғиз қолмаслиги керак. Бешик тебратаётган нозиккина қизачини кўнгилдан шу дамда нималар кечмайди дейсиз!... Балким у ҳозир шу синглиси ёки укаси каби гўдақ бўлганигини, фарзандни улғайтириш нақадар машаққатли эканлигини, буни бажариш учун эса онаси каби пок, ҳалол, меҳнатқаш ва матонатли бўлиши лозимлигини ўйлаётгандир. Онасидан шу хислатлари ўрнаётгандир, онасига бўлган меҳри янада ортиб, уни сўз билан ифода этолмаслигини тушунгандай, бешикдаги гўдақ жигарига янада яхшироқ қараб, онасини мамнун ҳолда қўришни истаётгандир-масъуллик нелигини сезаётгандир?

Раҳматли энам: "Ҳеч қачон бўш бешикни тебратманглари!" - деб ўргатардилар. Ҳақиқатан ҳам бўш бешикни тебратишдан ҳар қимми ўзи асрасин. Ҳеч қайси аёлнинг қалби фарзанд доғида қўямасин, тирноққа зор бўлмасин! Аёллари-мизнинг ҳаёти оиласи билан бут, бешиги доимо гўдак нафаси, ҳиди билан тўлиб яшасин.

Ахир, гўдаклардан жаннат ҳиди келади, дейишади.

**Мен бешик бошида тонглари кутдим-
Мен бешик қошида тунлардан ўтдим-
Туманли, ёмғирли, қорли, оташли,**

Мен бешик бошида ҳаёт кўтардим-
Мен бешик қошида умр ўтқардим-
Бўронли, юлдузли, ишқли, қуёшли.

ОСТОНАСИ ТИЛЛО УЙ

Одамлардан гоҳида эшитиб қоласан: “Яна қизли бўлибди-я...” Бу қувонч билан эма-маюслик билан, хатто ачинаш билан ай-тилгандай туюлади. Шунда онамнинг сўзла-ри эсимга тушиб кетади: “Қиз-бир сиқим туз, деганлар бекорларни айтишибди! Шу қиз-бир сиқим тузни кўчага чиқиб сўра-чи, бекордан-бекор ким бераркан!... Шукр қилиш керак, шукр!

Чиндан ҳам бугунги кизча, эртага-ойдай келин, индинга-бахтли она. Ҳеч қачон сиз киз туғдим деб хафа бўлманг, хафа қилсалар айтинг: “Мен киз эмас, бутун бошли авлод, насл, қариндош-уруғ, оилани дунёга келтирдим”.

Кечагина кичкина кўллари билан бешик тебратган қизалоқ, беғубор қалби орзуларча тўлган қизча, соҳларини ойнага қараб ўраётган қиз, бугун оқ либосли бахт маликаси. Йилгама, қизим, қаршингда-остонаси тилло уй. Сен ота-онани, туғилган уйимни ташлаб келдим, энди уларча бегона бўлдим, деб ўйлама, сен ҳеч нарсани ва ҳеч кимни ташлаб келадиганинг йўқ. Сен ўз уйинг, ота-онаниг, авлод-аждод номини, шашини, гурурини ёрғун юзинг билан янада улуғлашга, кўқларга кўтаришга келдинг бу остонага. Уни умид билан бос, бахтингдан айрилма, ундан меҳр билан ўт, сени бахт қутсин.

СОВЧИЛИК-ЭЛЧИЛИК

Хар бир ўзбек oilасида киз болалар алғач экан, унинг эшигиндан эниб келган совчилар-элчиларнинг қадами кулуг, деб қарашди. Бу, аввало, киз ўсаётган хонадон ҳурмати, йигит томонининг қадр-қиммати-дир. Бу шундай нозик риштак, унда жами удуларимизнинг, қадриятларимизнинг энг ардоқли нуқталари, бекиёс комиллиги, ҳаё ва ифтихатнинг айтилмаса ҳам илғаб олинадиган энг зғу тулаларининг эшиги очил-диган муқаддасликни ўзига намойиш қила-лади. Халқда: "Кимки, этти марта совчи-ликни адо этса, унинг у дунёси билан бу дунёси обод, чуқки у икки дунёнинг ҳам савабини олган бўлади", - дейишди. Со-вчилик-элчилик. Уларнинг қадамла-рида энг улуғ мақсад парвоз қилиди-яни оиланинг дунёга қелишига са-бабчи бўлиш. Шунинг учун ҳам улар-нинг қадами қўндан енгил, сўзла-ри асалдан ширин, нигоҳлари меҳрга тўла, чеҳрасидан нур ёйилиб туради.

Раҳматли энам, мен келин бўлиб тушган-дан кейин менга кимни совчи қўлиб юбор-ганиликларини айтиб, у кишининг кимли-гини албатта билишим шартлигини таъ-кидлаган эдилар. Совчи-икки томонга ҳам холис, икки томоннинг барча ҳиқҳатлари-ни мукаммал биладиган инсон бўлиши керак. Менга совчи бўлган киши-ён қўши-миз, Бوليбеқ бобо деган эди. У киши биз-нинг уйга тез-тез келиб турар, энанинг энг яхши сўбатдошларидан бири эди. Жойлари жаннатда бўлсин бобонинг! У кишининг кулургимга чалиниб қолган сўзла-рини ажиб ҳайрат билан эслайман: "Кимга совчи бўлган бўлсам, минг шўр-ки, ўзи-дан тинчиб кетишди. Кечаю-кундуз ўз бо-лаларимни қандай дуо қилсам, уларнинг ҳам номларини айтиб, дуо қиламан, нега деганда, улар ҳам ўғил-қизларим-да! Ўзи-дан ўзи қўлайлиб юрсин дейман-да..."

Каранг, удумларимиз, қадриятларимиз канчалик оддий кўринса. Шунчалик гурма-ном, эзгу, улғувор! Сен ҳам оstonasi тил-уйга қадам кўйган дамларингданоқ дунёда шундай одамлар борлигини бил. Уларни отангдai эъзозла, дуосини ол, тириклиги-да ҳам , ўтиб кетгандан сўнг ҳам эсла, бо-лаларинга сўзлаб бер. Токи фарзандла-ринг ҳам сендек ҳаёт, хотира, қадрлаш нелигини чуқурроқ ва тeранoрoқ хис этиб, шу оила ostonasiдан комил инсон бўлиб, эл билан эл бўлиб яшасинлар. Дунёда бун-дан улканор Бахт йўқдир.

Бахт-куш эмас, учиб кеттали,
У — дўстлиги болалигининг.
Сенга келди айтмокчи гали
Болалиқнинг эртакларини -
Ранги ўчмас лолалигининг.
Бахт-сув эмас, оқиб кеттали,
Бахт-Бахт ҳақида сўзлаб турганинг.
Уминг етмас таъриф этгали,
Туйғуларинг чечакларини -
Ватан ичра ватан курганинг.

Ойгул СҲОҲИДҚОВА



АЁЛНИНГ СИРЛИ ДУНЁСИ

Жамоатдан ажралманг-лар, чунки шайтон ёлғиз киши билан биргадир ва икки кишидан узоқроқдир. Кимки жаннат неъматлари ни хоҳласа, жамоат билан бирга бўлсин.

Хадис

(Боши ўтган сонларда.)
Яхшиликни сиз одамларга талпин-
ган, одамларсиз туролмайдиган ки-
шидан кутаверинг. Аллоҳ суйган бан-
дасини одампараст қилиб қўяди...
Ота-онани йўқлаб борардим,
кўпинча дарвоза ҳам, уйларнинг
эшиги ҳам ланг очик, онамни эса
албатта ён қўшниниқидан топиб чи-
қардим, хандон уриб чақчақлашаёт-
ган бўларди. Бировларни йўқлаб,
бировларга лутф қилиб, бировлар-
нинг ҳојатини чиқариб толмас эди
онам, онажоним!... Бир шеъримда
айтибман:

Онам битта калом айтса,
ки юз жонда баҳор эрди,
Онам лутфи жаранг берса,
дутору тор хор эрди,
Кўшилса у, ҳамма бедор,
ўтиб тун, тонг отор эрди,
Онамдай суҳбати дилкаш
зотимда йўқми, бор энди?
Боламнинг феъллида Аллох
онамини уйғотиб бергин...

Эллигинчи йиллар. Тошкент. Бир
у, бир айвонимиз бор холос,
рўзгоримиз гоят камтарин. Аммо
кўшни аёллар кечалари нуқул биз-
никига тўпланардилар. Уларга
кўнгли яйратар дастурхон ҳам ёзил-
масди. Ташқарида лопиллатиб қор
ёғар, сандал (танча)нинг устига
ўнчинчи лампали керосин чироғини
қўйиб олишар, тунги 11-12 гача
қолиб кетишарди. Онам чопон
кавир, бир кекса хола чолларнинг
ироқи дўпписини тепчир, Кимё опа
ва Фароғат опоқлар эса уларга сух-
батдош бўлиб ўтирардилар... Мана
шу ўтиришларида улар бир жамоат
эди. Қандай ўйлайсиз, бу жамоа-
дошлик уларга нима берарди? Онам
“одамнинг тафтини одам олади”,
деган нақлни кўп айтарди. Одамлар
билан сухбатга эса вақт кетади.
Аслида вақт онам учун жуда керак
эди, чунки тирикчилик шуни тақо-
с қиларди. Аммо кироғкача чики

қолган балиқ сувга қандай талпин-
сан, онам одамларга шундай инти-
ларди. Ўша кез қатор сингиллари
қазо қилган, дадамнинг ишлари
орқага кетган, бир ёғи муссофирчи-
лик. Лекин бу йигинларда онам ҳеч
кўз ёши қилмас, аксинча, ичак узди
аскилар айтар, ғаройиб ҳиқоятлар
билан атрофидагиларни мамнун
қилиб ўтирарди. Хўш, бу ўтириш-
лар унга нима берадди? Жамоат –
тарозу, дарду ғамингни бош-
қаларга солиштириб беради, бири-
ни кўриб фикр қилсан, бирини
кўриб шукр! Эҳтимол, бу аёлларнинг

ичида онамдан ҳам абгорлари бўлгандир. “Ийғлама, биродар, менинг бағрим ҳам мана бундоқ ярадор” деган бўлса, онажоним шайтонга даф бериб, “шунча ғами билан тикка яшаб юрибди-ку” дея, ўзини синиб қолиш, ётиб қолишлардан асраб юргандир балки!

Катта ҳаёт йўлига тушганингдан сўнг, энг дилбар дўстинг хотира бўлиб қолади. Аммо эслайдиган нарсаларингнинг гоят ярқирғи-оволобини турадигани талабаликнинг пахта ҳашари — жамоат билан туну тонгда бирга бўлиш пайтларидир! Кўпчиликнинг назари остида юриш, улар билан муомалага сўз танлаш, ўз тизгинининг маҳкам ушлаб туриш катта тарбия мактабидир! Кўпчилик бамисоли қайчи, ортиқча шохларининг қийиб туради. Айтган ортиқча сўзининг дарҳол ўзинга қайтариб, игнадай санчиб, тилингни тийиб қўяди! Кўпчилик ҳамиша қўлини бигиз қилиб сени кузатади ва шу тарзда хотолардан омон сақлайди. Илмининг китоб ва устозинг ўстиради, феъл-ингнинг онаси эса ҳамиша жамоатдир!

Нима уун тўй кўпчилик билан ўтказилади? Жамоатнинг дуосини олиш, дастурхон солиб, сенга дуо-гўй ва тарбиячи бўлганларнинг кўнглини олиш учундир! Сезаясизми, гоят хурсанд пайтида ҳам киши одамлар орасида бўлишни хоҳлайди. Чунки бу илоҳий истакдир, "Бирга бўлингиз!" деган ҳукм Аллоҳдандир!

Ёруғ дунёни тарқ этар пайтинг ҳам
жамоат қуршовида бўласан. Бу гав-
жумлиқнинг қатор ҳикматлари бор-
дир. Биринчидан, жаноза пайти
марҳумнинг яхши фазилатларига
қанча кўп одам гувоҳлик берса, у дунё-
лик дастурхони шунчалик дурқун
бўлажак. Иккинчидан, яқин кишиси-
дан айрилиб, устун қулаб турган
одамга ғамгусор бўлиш, ўзига ке-
либ олгунча суянч бўлиб туриш ҳам
мусулмончиликдандир. Қолаверса,
ҳар бора ўлим маросимига борган-
да интихонинг борлиги, бу дунёда
ҳамма меҳмон эканлиги, то тирик
ексансан, ҳар бир дақиқанг ғанимат-
лигига ишонч ҳосил қилиб, тавба-
га келиб қайтасан. Бу ҳам илм! Унга
эса бўлишда эса жамоатга қўшили-
шига сабаб бўлмоқда.

Гоҳо эралаб жуда ланж турасан, ҳатто ўзингни бемор сезасан. Ишга боргач эса бир соат утар-ўтмас тирилиб кетасан, бинойидай ишлаб, тетиклашиб қайтасан. Билгинки, атрофингдаги қулиб юрган одамлар, уларнинг саломат ва хайрихоҳ туришлари, сендан самимий аҳвол сурашлари вужудингда қувват узатди, сен нурланиб ва дадиллашинг. Жамоат тинмай турли тоқлар тарқатуви ва жисмингда ҳисобсиз уйғонишлар ҳосил қилувчи жонли лабораториядир. Шунинг учун ҳам яхшиларга ёндошмоқ, уларнинг шарофати нурларидан баҳраманд бўлмоқ, халқона айтганда, ёмонларнинг каттаси бўлгандан кўра, яхшиларнинг кичиги бўлиб юриш чандон яхшидир!

Шайтон ёлғизни енгади. Гуноҳлар ёлғизликда содир этилади, тушқунлик ва саросимага ёлғиз қолганда тушилади, бемор ёлғиз қолса, дарди оғирлашади. Инсондан узоқлашганининг ҳоли шу! Онам тинмай "ёлғизликда жон чиккулик қилмасин, биринг доим ёнимда бўл" деяверардилар...

Одамшаванда бўлайлик, одамларга ёқиб юрайлик, уларнинг кўзлари бизга офтоб, юраклари атрофимизда кўрган бўлиб турсин.

(Давоми бор.)

Турсуной СОДИКОВА



ОТА-ОНАМИЗ АЖОЙИБ КИШИЛАР ЭДИЛАР

фарзандни тарбиямизга, еб-ичишимизга жуда катта эътибор беришарди. Отам умрларида бирор марта бўлсада спиртли ичимликни оғзига олмаганди. Ота-онам иккаласи ҳам ортиқча мол-мулк йиғишга қизиқмаганди. Маънавлари биринчи навбатда рўзғорга керакли озиқ-овқат маҳсулотларининг энг сифатлисини олишга сарфлаганди. Уйимиздан энг яхши мева-лар, майиз, ёнгоқ, асал, кунжут мойи ва шу кабилар аримасди. Ота-онамининг ўзаро яхши муносабатларини, биз фарзандларига бўлган меҳрибонликларини қанча таърифласак ҳам оз. Барчамизнинг олий маълумот олиб, ҳаётда ўз йўлини топиб яшашимизга жуда катта эътибор беришган. Биз фарзандларига ҳаётда йўлини топиб, ўзимиздан тинчиб кетдик. Биздан ота-онамининг ҳам кўнгли тўлди, ўз ҳаётлари ва турмушларида рози бўлиб яшашди. Тинч-осуда 53 йил бирга яшашди. Кишилар ҳавас қилса арзийдиган Олтин тўйларини хурсандчилик билан ўтказганди. Отам 81 ёшда, онам отамдан кейин яна 9 йил яшаб 84 ёшларида оламдан ўтди. Ота-онамиздан мерос бўлиб қолган ўғиллар, айниқса меҳр-оқибат биз фарзандларига, ҳаётимизда ҳамроҳ бўлиб келаяпти. Хар сафар йиғилишиб шундай аjoyиб ота-онамиз бўлганлигидан фахрланам, узок умр қиришнинг сирини тинч-осуда яшашда, ўзаро ва ўз яқинларига бўлган меҳр-оқибатда, сабр-қаноатда эканлигини тан оламиз.

Ойша ИБРОХИМОВА
Урганч шаҳри



СОЧИ УЗУН БЎЛСА СЕВГИЛИМ...

24 апрел Мухаммад ЮСУФ туғилган кун

Бетакрор шоир, адабиётимизнинг хассос назми-дилдоши, халқ шоири, камтарин инсон Мухаммад ЮСУФ қисқа, лекин мазмунли умри давомида халқимизнинг қалбида чуқур из қолдирди. Маълумки шоирнинг жайдари, қалбга яқин шеърлари 70-80 йиллар ўзбек адабиётига ўзгача шуқу, мардлик ва ростгўйлик анъаналарини олиб кирди.

Шоир даврон Ватани, Андижони, муҳаббат табиат ҳақида ҳам беқиёс сатрлар қолдирди. Заминни ардоқлаган шоирга яқинда "Замин юлдузи" мукофоти берилди. Мукофотни қалбиди армон, кўзида ёш билан шоирнинг ўзидай камтарини рафиқаси шоира Назира Ас-Салом қабул қилганида "Халқлар дўстлиги" саройида ўтирган минглаб томошабинлар кўз ёш тўқидилар...

Ҳа, шоир оз яшади, лекин соз яшади. Мен яқинда унинг 1984 йилда "Ёшлик" журналида босилган куйидаги шеърини топиб олдим ва Назирабегим Ас-Саломга тақдим этдим. Биз шоирнинг оилавий дўстлари эдик. Улар турмуш ўртоғим Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Обиджон Махмудов билан синфдош бўлишган.

Шоир вафодор ёр, меҳрибон ота, шу билан бирга онасининг эрка боласи ҳам эди... Интизорлик билан туғилиб ўсган қишлоғи Мингтепага борганида онасининг олдида ёш-ўсмир йигитчага айланиб қолар, ўчоқ бошидами, тандир ёнидами, онасининг кўксига бошини қўйиб эркаланарди. Оллоҳ сабр-тоқатни Энахон аяга берсин. Қўша қариб яшаш на-

сиб этмаган Назирабегим эса кўзmunчоқдай қизларининг маънос кўзларига термулишдай дилхасталика махкум.

Мана ўша бетакрор шоирнинг гўзал шеъри:

Сочи узун бўлса севгилим,
Кўйлақларин этакларидай.
Узун бўлса умрим — ҳам маним,
Минг бир кеча эртақларидай.
Сана деса ўлтириб олиб,
Букаверсам бармоқларимни.
Санайверсам етмай қолгунча,
Саногига болаларимнинг.
Сочи узун бўлса севгилим,
Кўйлақларин этакларидай.
Узун бўлса бахтим ҳам маним,
Минг бир кеча эртақларидай.

Фаришталар омин деганмиди, 80-йилларнинг бошларида шоир сочи узун Назирабегимга уйланган ва бирин-кетин Нозима ва Мадинадай ширин қизалоқлар туғилди. Кейин Назирабегим кўз теккандай қаттиқ оғриб қолади, сочлари тўкила бошлади, ҳатто 6 ойлик ҳомиласидан (ўғил бола эди) ажралади. Шунда ноилжоз у сочларини қирқтирганди... Юрагидagi армонлар ҳаққи, шоирнинг рафиқаси Назирабегим яқинда, гарчи кеч бўлса-да ўша шеърга жавоб ёзиди:

Узун бўлган сочим ҳам маним,
Кўйлақларим этакларидай.
Бутун эди бахтим сиз билан,
Минг бир кеча эртақларидай.
Утар экан умр баёним,
Соҳларимни қискартдим нечун?
Балки сочлар билан кесилган бахтим -
Оғир жудожилка сабабми - бу кун...

Мухаммад ЮСУФ камтарин, сadoқатли ёри қалбида, қизларининг гурурида севимли халқнинг шуурида абадий яшайди, иншооллоҳ.

Муборак МАХМУДОВА
Тошкент шаҳри

ЧАҚИРСАМ КЕЛМАС МЕҲМОНИМ

Мен 1999 йил 18 декабр кунини ёлғизим, сунанган тоғим бўлган акажонимдан ажралиб қолганман. Акажоним Абдувалиев Насрулло 48 ёшларида инсулът қайталаши оқибатида бу дунёни тарк этдилар.

Бу қанчалик оғир зарбалиги ўзимга маълум, чунки биз аяжонимиздан ажралганимизда мен 6 ёшда, акажоним 10 ёшда эдилар. Мана шу йиллар мобайнида фақат иккаламиз бир-биримизга сунаниб, ҳамдард ва ҳамнафас бўлиб яшадик. Аяжоним ҳақида иккаламиз ёлғиз қолганимизда гаплашардик.

1996 йил 29 апрелда акам инсулът касалига учраганди. Кейин бир оз яхши бўлиб кетдилару бир кўни, бир оёқлари яхши ишламай қолди. Бетоб бўлиб қолганларидан сўнг аяжоним ҳақида янада кўпроқ гаплашадиган бўлдилар. 1999 йил 29 ноябрда ёлғизига қўриш учун борганимда, иккаламиз яна аяжоним ҳақида гаплашдик. Мен: "Акажон, энди ҳаётни орқага қайтарар олайми?" Узингизни уйланг, аяжоним энди тирилиб келмайдилар", - дегандим. Мен уйга қайтиш учун тараддуланиб турсам дарвоза олдида ортимдан



ХОТИРА — МУКАДАС

чиқиб бир кўнларга билан: "Сени Худони ўзи асрасин, менинг бахтимга фақат сен соғ бўлсин, чунки мени тўғри тушунасан", - деб дуо қилдилар ва йиғлаб қолгандилар. 15 декабр кунини яна телефонда иккаламиз гаплашдик. Мендан: "Қачон келасан?", - деб сўрадилар, мен 1 haftaдан кейин бориб, 1 hafta туриб келишимни айтдим. Лекин минг афсуслар бўлсинки, 18 декабр кунини мени акажонимнинг дафн маросинига қақришди. Нақадар шafқатсиз бу дунё. Бирок Оллоҳ-

нинг ўлчаб берган кунига, соатига, дақиқасига ҳеч ким зўрлик қила олмас экан. Йиғисиги билан инсон ҳеч нарсага эриша олмас экан. Фақат ўзига дард орттирар экан.

Ҳозир ҳам уйга тез-тез бориб тураман. Лекин уйга бориш мен учун катта азоб, уйга бормаслик яна бир азоб. Йиғлаб бориб, йиғлаб қайтаман, лекин ақилларимга кўз ёшимни ҳеч ҳам кўрсатмайман. Буни фақат мени тўғри тушунадиган умр йўлдошим биладилар, холос.

1974 йили институтга етаклаб келган, 6 йил тиббиёт институтида ўқиганимда хабар олган, менинг ортимдан пахта далаларигача бориб хабар олиб турган, Тошкентга ҳам тез-тез келиб

ҳолимни сўровчи акажоним эдилар. Бошқа яқинлар ҳам хабар олиб туришарди, лекин ҳеч ким акажоним ўрниларини боса олмади. Хурматли азиз юртдошлар. Ота-онангиз, ака-укангиз, опа-синглингиз ҳаёт экан - бу сизнинг давлатингиз. Уларни тириклигида қадрланг, эъзозланг. Акажоним охиратлари обод бўлсин.

Туслаб тусингиз топмадим,
Ислаб изингиз топмадим,
Яқинларим орасидан,
Сизни асло топмадим.
Эксам битмас майдоним,
Чақирсам келмас меҳмоним.
Бу дунёга вақтинчалик,
Эканлигингиз билмадим.
Матлуба БҲОНОВА
Юнусобод тумани

УСТОЗНИ ЭСЛАБ

1965 йилда саккиз йиллик мактабга директор вазифасига тайинланади. Саттор ака бу мактабни ўзи ташкил қилиб, бутун билим ва маҳоратини ишга солиб ўқувчиларни яхши билим олишга, тарбияли инсон бўлиб етиштиришга ҳаракат қилдилар. Шу давр мобайнида 6 та синф 20 тага етди. 1981 йилгача шу мактабда она тили ва адабиётдан ёшларга сабоқ берди, ҳамда билим даргоҳига раҳбарлик қилди. Саттор аканинг шогирдлари ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг равнақи учун турли соҳаларда меҳнат қилмоқдалар. Фарзандлари Абдуқаҳҳор ва Абдусамат ота касбини танлагандилар. Кенжа ўғиллари Абдуҳалим пайвандлаш ҳунарини танладилар.

Устоз "Халқ маторифи аълочиси", "Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи" унвонлари билан тақдирланган эдилар. Устозни ҳаётий фаолияти биз шогирдларга мактабдир. Ҳаёт бўлганларида 76 баҳорни қаршилаган бўлардилар.

Мардонкул
ДАВРОНОВ,

Самарқанд вилояти,
Ургут тумани

БИР ОЛМАНИНГ ИККИ БЎЛАГИ ЭДИК

2003-йил 3 феврал кунини ҳам она, ҳам ота бўлиб, ўн бир фарзандни воғга етказиб, тарбиялаб, ўқитиб, уйли-жоили қилган волидаи муҳтарамимиз Муҳаббат Саидова бу дунёни тарк этдилар.

"Ота-она ўлими — мерос", дейишади. Лекин ёшинг ўтиб, фарзандларинг улғайгани сайин, ўзингга сирдош, маслаҳаттўй керак бўлар экан. Онажон, сизни кўмсай-кўмсай, ҳасратларимни қозоғга шундай битдим:

Ғоипназар акам ҳаёт бўлганларида 63 ёшга тўлардилар. Меҳрибон, қалби дарё, мард акам бундан 8 йил аввал вафот этдилар. Оиламиз билан акамни жуда яхши кўрар эдик. Акам отам вафотидан кейин ҳам ака, ҳам ота ўрнида эди. Уларга қаттиқ сунандик. Айниқса, мен ва акам олманнинг икки бўлағи эдик. Бирон иш қилсак, маслаҳатлашиб қилардик. Турмушга чиқиб кетсам ҳам доим мандан хабар оларди. Қийналган вақтларим, тўй қилганимда, қайнотам вафот этганларида, акам бош-қош бўлиб, моддий томондан доим ёрдам берарди. Меҳри дарё одам эдилар. Ҳаммамнинг ҳолатини чиқарар ва ҳеч қачон берган пулини қистамас, топганда берарсанлар, дердилар. Акамнинг 4 ўғли ва 1 қизи бор. Худога минг қатла шуқр, ҳаётда ўз ўринларини топган. Доимо акамни эслаб бевақт оламдан ўтганига ачинамиз. Менинг фарзандларим эса ҳеч қачон Ғоипназар тоғаларини унуттишмайди.

Биз сизни ҳеч қачон унутмаймиз акажон. Сизнинг руҳингиз доимо биз билан.

Нурхон АЮБ қизи

Дадажоним Аваз Остонов барчага бирдай меҳрибон, ширинсўз, камтар инсон эдилар. Бевақт ва шafқатсиз ўлим дадажонимни 56 ёшларида бу ёруғ дунёдан олиб кетди.

Ромитан туманида, ҳаттоки Бухоро вилоятида дадажонимни танимаган инсон бўлмас керак. Дадажоним 40 йил Ромитан туманидаги (Наримонов) ҳозирги "Нурафшон" ширкат хўжалигида оддий қолхозчиликдан иш бошлаб, қолхоз раисига қўтарилдилар. Ҳаттоки "Пахта иши" яъни "Ўзбеклар иши" бўйича ноҳақ камалиб, қора кунларни бошларидан ўтказдилар, яхшиямки Президентимизнинг жонқуярликлари туфайли Республикамиз мустақил бўлиб дадажонимдай қора кунларни бошидан ўтказган барча юртдошларимиз оқландилар. Афсуски дадажоним бу дунёдан орзулари охиригача ушамалди, эрта, жуда эрта кетдилар. Дадажоним, менинг меҳрибоним илоҳим жойингиз жаннатда бўлсин.

Дадамсиз кунларнинг юки сезилса,
Кимгадир сунаниб, яшасам дейман.
Оламнинг кўзига ёшлар тизилса,
Қафимда сидириб ташласам дейман.
Ёш кетди падарим, тупроқни қучди,
Баҳорда ям-яшил бир япроқ учди.
Тупроққа тўқилди яшил орзулар,
Юракка армонлар, соғинчлар тушди.
Малоҳат ОСТОНОВА

Ромитан шаҳри

СИЗНИ СОҒИНДИМ, ДАДАЖОН

КИТОБНИ АВВАЛ ЎЗИМИЗ ЎҚИСАК!

«Фарзандларимизга китоб олиб берак» — 8-сон

ЭСЛАТМА: «Тоғпан бойлигимиз жуда ҳам ошиб-тошиб кетса, фарзандларимиз учун китоблар сотиб олиб бериб, уй кутубхоналари ташкил қилайлик!»
Феруза МИРЗАОЛИМОВА

Мақола муаллифининг чин дилдан куюниб ёзганларини ўқиб чиққач, ҳаёлимдан улуғ «Қобуснома» даги шу таъкид кечди:

«...Агар сен фарзанд кўрсанг, унга яхши (чиройли ва маъноли) исм кўйгин, чунки фарзанд ҳақларидан бири унга яхши исм кўйилишидир!»

...Фарзанднинг адаб, ҳунар ва билимини ўзингдан мерос қилиб қолдиргин, токи унинг ҳаққини бажо келтирган бўласан!»

Минг афсуски, бизнинг давримизга келиб МЕРОС сўзи асосан МОДДИЙ тушунчага айланиб қолди. Дипломни пулга сотиб олиб бериб: «Боламан ўқитиб қўйибман!», дегувчилар ҳам анчагина.

Мерос деганда фақат моддийликни тушуновчиларни кўрсам, оддий бир чумолининг Сулаймон пайгамбарга қилган жавоби билан боғлиқ ҳикмат эсимга тушади:

Сулаймон пайгамбар айтди:

- Бу бекиёс шон-шавкату ҳисобсиз бойликлар ҳукми кўлимдаги узук кўзига боғлаб берилган!

Чумоли унга жавобан деди:

- Эй, Сулаймон, бундан кўринадик, бу шон-шавкатинг ва тасарруфинг даги бойликларнинг қадри Аллоҳ наздида узунгиз кўзидagi совуқ тошдан ҳам паст экан!»

Ҳозирги кунимиз қаричи билан ўлчайдиган бўлса, қасрнам иморату сўнгги русум ҳашамларнинг умрию қадри бир гугурт чўпи қувватидан пастроқ...

Фарзандларга китоб олиб бериш, уй кутубхоналарини ташкил этиш жуда оқилона таклиф. Зеро, аждодлардан қолган ибрат намунаси ҳам. Чунки қадим-қадимдан аждодларимиз ки-



тобни, унинг ҳаётдаги ўрнини жуда қадрлаган. Тез-тез йиғилишиб, «Гўрўғли» хонлиги, «Бозиргон» хонлиги, «Навоийхонлиги», «Бедилхонлиги» қилганлар. Биз - авлодлар эса, «гапхонлиги», «туғилганкунхонлиги» қилдик. Болаларимиз биздан ўтишди: «Видеохонлиги», «Дискотекахонлиги»... Бу - кино эмас, аччиғу, лекин очяк гап!

Ота-онанинг ўзи ёлғиз китоб ё газета ўқимаса, боласига китоб олиб берадими? Ахир, қайси китоб қандай мавзудалигини билмайди-ку!

Узоққа бормаёлик, ўқувчи эмас, ўқитувчидан сўранг, халқ дostonларидан қайси бирини ўқиган экан! Мен ҳозирги ўқувчи ёшларимизнинг кўпчилигига АЧИНАМАН. Сабаби, аксариятининг ота-онаси китоб ва матбуот наشريни деярли ўқимайди, таълим бераётган муаллимларнинг анчагинаси савияси паст, дунёқароши талабга жавоб берайдиган одамлардир. Яқинда бир бошланғич таълим ўқитувчидан сўрадим:

- Сиз синфга нима олиб кира-сиз?

У ўйлаб туриб, бармоқ букканча жавоб қайтарди:

- Журнал, конспект, кўргазмалар кўрол.

Яна сўрадим:

- Буларнинг қайси бирини ўқувчиларга қолдирасиз?

У ҳайрон бўлди. Мен илова қилдим:

- Ўқувчи олиб қоладиган бирор нарса олиб кирасизми ўзингиз билан ё фақат уй вазифасини кўлтиклайтиб, хайр-маъзур қиласизми?...

Мақтабда «Синфдан ташқари ўқиш» дarsi бор. Лекин у ҳам дарсликнинг ичиди...

Ҳозир 3-синфда ўқийдиган ўғил болага меҳнат дарсидан кашта тиқиш вазифаси берилади. Ҳайрон қоламан. Биз ҳам 30 йил олдин 3-синфда ўқиганмиз. Лекин кашта тикканимизни эслай олмаёман. Қизларимиз турли нарсалар тиқишарди. Бирок ўғил болаларга қор кураш, дарахтар тагини юмшатиш, ариқ олиш каби юмушлар, жуда бўлмаса қозғодан уй макетини тайёрлаш топириғи бериларди.

Ва, энг эътиборлиси, мактаб йиллари ҳар ҳафта ўқиган бирор шеър ё ҳикоя, кейинчалик китобимиз ҳақида синф раҳбарига маълумот берардик. Чиндан ҳам ўқир эдик, чунки ота-онамиз китоб, газета-журнал ўқишарди. Уларга қараб, биз ҳам

ўқирдик. Ҳозир-чи?

400 сўмга сигарет олишга оғринмайдиган, аммо 65 сўмга «Фидокор», 100 сўмга «Тошкент ҳафтанома», 150 сўмга «Оила ва жамият» олишни ҳаёлига ҳам келтирмайдиган оталар истаганча топилади. Шу боисдан фарзанд ҳам 100 сўмга газета эмас, доналаб сигарет олаяпти! 800 сўмга «Навоий газаллари тўплами»ни олишга оғринадиган, лекин 20 минг сўмлик сўсар телпак қиядиган аёллар сөрөб. Шу боисдан қизи ҳам 2 минг сўмга сочини турмаклатаяпти, аммо 125 сўмга «Туркистон» нашини олишга оғринаяпти.

Қиз чиқараётган ома бир кийими ками 10000 сўмлик 20 та кўйлакка мато-сеп йиғаяпти, аммо 2 тагина китобни қўшиб қўймапти. Шу боисдан ҳам қизлар либоспараст лекин китобхон эмас! Оддий нарсаси, кўриниб турган ҳолат: қадимдан яқин-яқингача ҳам сақичини шарқда фақат ҳомиладор аёллар чайнаган. Ҳозир-чи?!

Нега шундай бўлаяпти? Менимча, бунинг бош сабабларидан бири - китобхонлик даражамиз сусайганида! Болага китоб олиб беришдан аввал китобни ўзимиз ўқиб, ибрат кўрсатайлик, шундагина боланинг ўзи китоб излаб қолади!

Дилмурод САЙИД

Тошкент шаҳри

ОТАНГИЗГА НАФРАТИМ ОРТАДИ

«Онам, она меҳрига зорман» — 8-сон

ЭСЛАТМА: Ёшим 40да. Икки нафар фарзандим ва ажойиб турмуш ўртоғим бор. Онам шаҳарга ўқишга келиб отам билан танишиб қолган ва турмуш қуришган. Арзимаган сабабларга кўра ота-онам ажралишгач, онам бувиимникига кетиб қолган. Биз бувижоним қўлида тарбияландик. Отам икки марта уйланди. Онам ҳам ўз йўлини топиб кетди. Ўзим она бўлсам-да, она меҳрига зорман.
ЗАМИРА

Замираҳон, мен сизнинг бошингиздан ўтган воқеаларни ўқиб, отангизга нафратим ортди. Бундай одамлар инсофга келадиганлар хилидан эмас. «Букирни гўр тузатади», деган мақол айнан шундайларга аталган бўлса керак. Лекин она, ҳар қандай шароитда ҳам жигарбандини ташлаб кетишни оқлолмайман. Ўзи қийналиб, оёқ ости қилинган она, наҳот қизларини шу балога гирифтор қилиши мумкин. Мен сизга холамингиз шунга ўхшаш ачиқ қисмати ҳақида гапириб бермоқчи эдим.

Менинг холам жуда гўзал, келишган қиз бўлганлари учун 16 ёшларида узатишган экан. Кўёв бўлмиш холамининг хуснига махлиё бўлиб қолган. Лекин поччам тўйдан кейин ёш, гўзал ҳомиладор хотини бўла туриб, енгил-так аёллар билан юра бошлайди. Холам бечора фарзандлик бўлса, инсофга келар деб барига чидайди. Лекин бу аҳвол 7 та фарзанд дунёга келса ҳамки, ўзгармайди. Поччам холам ва фарзандлари олдиди ҳам ахлоқсиз аёлларни уйга бошлаб келиб, айшини суради. Бунинг устига хотинини фарзандлари олдиди беҳурмат қилади, уриб азоблайди. У ҳар қал холамини урганида оғир аҳволда касалхонага тушардилар ва анча давола-нишларига тўғри келарди. Холам шунчалик иродали аёл эканларки, ҳар қандай

ситамларга фарзандлари туфайли чидардилар.

Не-не аёлларни кўрган поччам ҳозир холам қарамоғида, олдингидай куч-қуввати ҳам, пули ҳам йўқ. У бир жойга холамининг ёрдамсиз бора олмайди. Чунки кўзалари ожиз бўлиб қолган. Балки фариштадай аёлни азоблагани, сон-саноксиз енгилтабиат аёллар билан айш қилгани учун худонинг қаҳридри бу. Шундай оғир дамда ҳам бу мунис, оққўн-гил аёл унга суяниқ бўлди. Фарзандларини уйли-жойли қилди.

Замираҳон, сизга ҳам, синглингизга ҳам икки ҳисса қийин бўлган. Сизлар ота-она меҳрини кўрмай, яна қанча ўғай оналарнинг ситамларига чидагансизлар. Яхшиямки ажойиб турмуш ўртоғингиз, 2 нафар фарзандингиз бор экан.

тим йўқ бўлган кезларда ҳам, сизни кўришим билан барча гам-ташвишларимни унутардим. Фақат сизнинг ҳаёлингиз ила яшардим. Тонгини сизнинг сиймонгизда кутиб, тунни ҳам сиз ҳақингиздаги ширин ҳаёл билан қарши олардим. Лекин, сиз буни сезмасдингиз, ҳамма каби бирдек муомала қилар эдингиз менга. Мен эса барибир сизни кутаварардим. Ҳар бир нигоҳингиз мен учун олий тўхфа эди. Ўйланганингизни эшитган кунимда вужудим музга айланиб қолди гўё... Мен учун ҳаёт ўз маъносини йўқотди. Кўзим қулиб турар, қалбим эса йилгари. Сиз менинг, менингдек мағрур қизнинг ёлғиз муҳаббати эдингиз.

Лекин буни сезмадингиз. Мен сизга чин кўнгилдан бахт тиладим. Илоҳим бахтли бўлинг, сизни ҳаммаша соғиниб яшайман. Сизнинг ҳаёлингиз ила ўтказган кунларим гарчи қиш бўлса-да, мен учун баҳор эди.

У дамлар менинг бегубор орзуларим мавжуд эди ва шу ширин ҳаёллар ичра бахтли ва бахтиёр эдим. Орзиқиб сизни кутишимнинг ўзи, ҳар нигоҳингиздан меҳр излашим, қисқа тўқнашувлардан қалб титроқларимнинг ўзи бахт эди мен учун. Энди эса ўзга бир омадли қизнинг сеvimли ёриси. Энди унинг учун сиз яғонасиз. Буларни билиш, ҳис қилиш мен учун қанчалик озобли ва аламли бўлса-да, энди мен сизни қутолмайман, орзуларим армонга айланди. Баҳор нафаси яқинлашиб қолган бўлса-да, қуз хазонлари ила қопланган бу кўнглим уни сеза олармиким?!

Қалбимдаги музни фақат сизнинг ўтли нигоҳларингизгина эрита олиши мумкин эди. Аммо бунинг энди ҳеч ҳам илоҳий йўқ. Қундан-кун сўлиб бораётган нигоҳларим ҳали

ҳамон сизни излайди. Ақлим буни рад этса-да, дилим сиз томон талпинаверарди. Вақт ўтиши билан сизни секин-аста унутарман, бироқ орзуларни саробага айланган кўнгил яна бир бор сеvim қолди деб ким ҳам айта олади. Сизнинг ўткир нигоҳларингизга алданган, баҳори кузга айланган, қалби армонларга тўлган бир қиз сиз туйғайли ҳаётда мазмун топан эди. Сиз ўша мазмунни қайтариб олдингиз. Япроқсиз қолган дарахт сингари кўнглим ҳам хувиллаб қолди. Авваллари келинларга ҳавас ила қарардим, ўша кунларни орзиқиб кутардим. Энди эса бу нарсаларга шунчалик бефарқманки, бутун вужудим қотиб қолгандек. Ҳозир табиат баҳор ҳуқимда, сизни илк учратганимда ҳам баҳор эди. Энди мен сизни баҳорлардан излайман. Сиз эса аллақачон менга ёмғирли баҳорни ҳады этиб кетдингиз. Ёғаётган баҳор ёмғирлари, менинг армонли ва азобли бўлган муҳаббатим кўз ёшларидир.

М.

Андижон вилояти

Гулзода, мактуб ёзиб яна сени қалб яраларингни тирнаётганим учун узу сурайман ва мени тўғри тушунасан, деган умиддаман. Мен сенга доимо мактуб йўллаб туриб: “Мана шу охиригиси”, деб ваъда бераман ўзимга ўзим. Лекин хижрон дарди, сен томонига оши-

СЕНИ СОҒИНДИМ...

қаётган юрагим исмингни такрор ва такрор эсга соларвар экан, ҳеч қачон сени эсламай, сенга юрак дардларимни йўлламай тура олмайман. Гулзода, сен менинг қалбимни ўғирлаб, тунларни бедор ўтказишга мажбур қилган, ҳаёларимни бутунлай ўзингга ром этгансан. Сенинг гўзал қалбинг, мусаффо осмон каби бегубор юрагинг билан ҳамнафас, бу гўзал олам шодлигига ҳамларидан баҳраманд бўлиб яшаётган мендек ошминг борлигини унутма.

Сенга бўлган муҳаббатим ва ҳурматим чексиз

ва бир умр ҳаётим мобайнида шундай бўлиб қолади. Инсон ҳаётга келиб сеवारкан ва севиларкан, ҳаётнинг энг гўзал ва мафтункор онлари ҳам шу бўлса керак. Шунинг учун ҳам ҳар бир инсон муҳаббат аталмиш улғу неъматининг мевасидан бир маротаба бўлса-да, татиб кўргиси келаркан.

Гулзода, мен ҳаётда муҳаббат бир неча турли бўлишини бошимдан ўтказдим, яъни бир инсонга кўнгил қўйиш бошқа ва кўнгил бериш бошқа экан. Мен ўз ҳаётимда сенга ҳам кўнгил қўйдим, ҳам кўнгил бердим, деб ҳисоблайман ўзимни. Чунки сени сеvim муҳаббат қанчалар ширинлигини, гўзаллигини, латофатлигини, қудратлигини ҳамда ҳижрондан иборат эканлигини тушуниб етдим. Сенинг висолингга етиш насиб қилмаса-да, мен сени умримнинг охиригача пок қалбим билан сеvim қолавераман, сенинг ўз ёринг билан бахтли ва тотув яшашингни хоҳлайман. Мен билан, сен ҳар қандай ҳонадонга ҳам шодлик олиб кира оладиган ёрсан.

Гулзода, дунёда ошику

бекарорларнинг манзилларига кимдир эрта, кимдир кеч борааркан. Мен эса сал кечикиб борганман. Шундай бўлса-да, мен борган манзилда сен бор эдинг, аммо сени учратиб яна йўқотиб қўйдим. Менимча биз учрашадиган манзил бўлса керак.

Гулзода, сеvimли! Сен ҳам мени бир умрга сеवासан, исим ёдингга тушганда мени эслайсан, муҳаббат сўзи қулоғингга чалинса ёдингга тушаман. Жоним, сен бекорга овора бўлма унутама, деб, чунки мен бир умрга қалбинг эгасиман.

Гулзода, сенга қалб дафтаримни очиб, бир оз бўлса-да кўнглим таскин топди. Лекин кўзимдан соғинч ёшлари қуйила бошлади, зеро сен буни кўрмасанг-да, чин муҳаббатинг ҳаққи-ҳурмати буни ич-ичиндан ҳис қилганингга сенинг шахло кўзларинг ҳам фақат сеvimч ёшларига тўлиб-тошиб мен мафтун бўлган гўзал хуснининг ювсан. Ана шунда сен ойнага қарагин, унда менинг армонли сеvimли-Гулзодамини кўрасан.

Сенинг ошингиз ОЛИМЖОН

Андижон шаҳри

О, МУҲАББАТ

Кузинг охири. Йиғим-терим охираб, ҳамма тўй-томошаларни юборган. Кунларнинг бирида қишлоқнинг Кўрғон маҳалласида тўй бўлди. Ойбек дўстлари билан тўйга борди. Ойбекнинг яқин дўсти Отабек бўлиб, улар кўп масалаларда ҳам фикр эдилар.

Тўй авжига кирганда Ойбекнинг кўзи бир четда ўтирган гўзал қизга тушиб қолди, ногоҳини ундан узолади.

У Кўрғон маҳалласида яшовчи Моҳира исмли қиз экан... Ойбек шу кунни бир амаллаб қиз билан танишди олди. Моҳира қишлоқда ҳамшира бўлиб ишларди. Отабек ишдан қайтган, эртасига уни пойлаб то уйигача кузатиб қўйди. Улар йўлда кўп нарсалар ҳақида гаплашиб борди. Бу ҳол 6 ой давом этди. Лекин Ойбек сеvimшини ҳеч айтолмасди. Уни бу йўлдан қандайдир бир илоҳий куч қайтариб турарди. Кейин Ойбек иш билан шаҳарга кетиб 3 ой дегадана қайтди. Уйига келиб уйдагилари билан сўрашган, Отабекни кўриш учун уникага чиқиб кетди. Отабек билан сафар ҳақида гаплашиб ўтирдилар. Шу пайт Ойбек Отабекдан Моҳира ҳақида сўраб қолди... Отабек бу саволни кутган эди. Унга Моҳирани узок қишлоқлик бир йигитга унаштирилганлиги ҳақидаги нохуш хабарни айтиш осон бўлма-

ЮРАГИМДА АРМОН БЎЛГАН МУҲАББАТ

б о ш л а б

ди. Ойбек ноқулай аҳволга тушиб қолди. “Унга бирор марта ҳам сеvim ҳақида гапирмаган бўлсам-да, уни сеवार эдим-ку! Нега энди бу ҳақда гапирмадим, эх!...”

Яқинда Моҳиранинг тўйи бўлди. Ойбек ҳам тўйга борди, у Моҳирани оппоқ келинчақ либосида кўриб юраги ўртанди. Бор вужуди билан уни ёнида ўтирган қувдан қизгонди. Орадан бир йил ўтди. Ойбек Моҳирани фарзандлик бўлганини эшитди. У ҳамон Моҳирани сеवार, уни унутолмасди. Шу оқшом уйига келиб минг бир изтироб-ла ушбу сатрларни қозғога туширди.

Ҳаёлимни олиб кетдинг йирокларга, Кўзимдаги уйкуни нам бўлоқларга, Қолдим сенга етолмай у қирғоқларда, Юрагимда армон бўлган муҳаббатим.

Сарғаярман ҳар йил кузда, сарғаяман ҳазон бўлиб, Кўзларимдан оқади ёш анҳор бўлиб, Ҳузуримга бир келсайдинг баҳор бўлиб, Юрагимда армон бўлган муҳаббатим.

Бор вужудим билан сени қизғонаман, Аччиқ ишқинг хижронда тўлғонаман, Энди тақдир гулханида жим ёнаман, Юрагимда армон бўлган муҳаббатим. Озодбек АШРАБОВ

У маҳалларда биз ёш қизалоқ эдик, 7-8 ёшларда. Маҳалламизда, ён қўшимизникида тўй бўлди. Келин кўргани маҳалла қизлари тўлланиб кирганимизда келинчак гардиши чиройли нақшинкор қилиб тикилган рўмолча-лар бергани, Минавархон ая дўппи-мизга ҳовлида пишган олмадан териб берганлари ҳамон ёдимда.

УЛАРГА ТАЪЗИМДА БЎЛСАК АРЗИЙДИ

Уйлари-миз ёнма-ён, ўртада дарчаси бор эди. Минавархон ая нон ёпиб бизни чақириб, қўлларимизга иссиқ, жажжитгани кўчалар тўқазар, уларни уйдига ҳар бир мевали дарахт мевасини албатта биз қўшнилар бирга баҳам қўлардик. Келини Ҳодиса опа ҳам ширинсўз, меҳнаткаш, қайнона-қайнотаси ҳурматини жойига қўяр, турмуш ўртоғини жуда ҳурмат қилар, қайниси, қайнсинглисига меҳрибон, маҳаллада бирон хонадонда тўй бўлса пешбанд тутиб хизмат қиларди. Ўзи ҳам шўх-шодон, дала ишларини қилишда эса ҳаммага ўрнак бўла оладиган дарахда бажарар, айтиш мумкин ибратли келин эди. Аммо орадан йиллар ўтди. Ҳодиса опа фарзанд кўрмади. Умарали ота, Минавархон ая жойнамоз устида худудан шу келиннига фарзанд беришини тилар эдилар. Орадан 10 йилдан ортиқ вақт ўтди. Бу орада ҳарбий хизматга кетган қайнисини Афғонистондан тобути қолди. Ҳодиса опа ўз укаси вафот этгандай куйиб йилгади...

Фарзанд боис борманг докторлари қолмади. Ниҳоят ажралдилар. Мухтор ака бир қизга уйланди, кўп ўтмай ўғил кўрди. Бу орада Ҳодиса опа ҳам турмушга чиқиб кетди ва қатор ўғил-қизлар кўрди. Аммо ўзи касалманд бўлиб қолди. Ўпка-сили билан оғирган экан. Кўп ўтмай Ҳодиса опа вафот этди. Уни кейинги турмуш ўртоғининг сўзига қараганда кўма олмас экан, хотинини, Ҳодиса опани ота уйдан чиқаришди. Шу маросимга аввалги келин бўлиб тушган хонадондан қайнона, қайнотаси, уларнинг ўғли Мухтор ака ҳам келдилар. 3 кун турдилар. Кейин эшитишимизча, аза очилган эшикда, қайнотаси анчагина моддий ёрдам қилибдилар... Мухтор аканинг ўғиллари катта бўлиб қолишган. Оталари Умарали ота очикўнгил, меҳрибон, кўнгил юмшоқ, етимпарвар одам эдилар. Бир умр махсудзлик қилиб, ҳалол меҳнат билан оила тебратди. Ота касбини эгаллаган кичик ўғли Абдулкаким ҳам кам бўлгани йўқ. Ота-онасини умра зиёратига олиб борди. Умарали ота салкам 3 йил қон босими кўтарилиб, фалаж ҳолда, юролмай, гапиролмай ётди. Ўғиллари, келинлари, турмуш ўртоғи ок ювиб, ок тараб парвона бўлишди. Умарали ота эса яқинда вафот этди. Охираати обод бўлсин илоийм.

Онажоним яшаб ўтган уйга борсам албатта бу хонадонга кириб ўтаман. Минавархон аянинг оқ рўмол ўраб юришлари, юзларидан нур ёғилиб, "жоним болам" дея сўзлашлари онажонимга, онажонимга ўхшайди. Очик юз билан кутиб оладилар, онамни эслаб йиласам кўнглимни кўтариб ову-

тадилар. Алпқомат, пахлавондек ўғлидан (бокс бўйича чемпион бўлган республикада) жудо бўлганида бу аёлни чиқолмай ўлиб қолади, деб уйлаганлар бўлган. Аммо ая бариға чидади. Фарзанд доғида сочларига оқ оралади. Аммо

ёш дарди-билдирмайди. "Ўрнидан қийналиб туришидан оёқлари оғирсика керак", -

деб сўрасам: "Қарилик-да болам", - д е б қўядилар. "Ёшингиз нечада?" - деб сўролмайман, ҳар ҳолда энанинг кўздек яқин қўниси, синглисини қадрдон эдилар. Шу маҳалладаги онамнинг қўшнилари ўзи бошқага оқибатли-да. Ким тўй қилапти, кимникида қайси юмушни қилишга хашарчи керак, ким бетоб бўлиб қолган, кимникида чақалоқ туғилган ҳаммасидан бохабар, билишади. Ҳаммаларига елкадош бўлиб ёрдам беришади. Шуларни меҳри тортадими, уларни кўрсам онажонимни қўнгандай бўламан. Орамизда шундай оддий, камтар, бағрикенг инсонлар борлигидан ҳам олам яшнаб турибди. Бу бизга боболаримиздан, момоларимиздан мерос-шарқона урф-одатларимиз-меҳр-оқибат. Маҳалланинг оқсоқоллари бошқоқ бўлиши, онажонлар билан сўхбатлашиб, яйрайсиз. Анча сабоқлар олмасиз. Билмаганингизни ўрганасиз.

Ватан-бу бошпананг, маҳалланг борлиги, иноқ-оқибатлилиги, елкадошлиги, бир ариқдан сув ичиб, бир кўчанинг туپроғини чангитиб катта бўлган жойингизни севмай, ардоқламай бўладими? Ахир булар-туганмас бойлигимиз эмасми?

Мухтор акани гоҳи-гоҳида, кўча-кўйда ўз енгил машинасида кетаётганида учратиб қоламан. Дарров тўхтаб ола кетади. Ўша воқеа ва Ҳодиса опа ҳақида сўрамоқчи бўламану, андиша қиламан, сўролмайман. Ўз турмуш ўртоғи бир ҳафта-ўн кун бемор бўлса, қарамай онасиникига элтиб қўришлар орамизда бор. Аммо ажралиб кетган аҳли аёлига дори-дармон олиб бориб бериб, азасида бел боғлаб туриш, моддий ёрдам қилиш - бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу нима? 10 йил бирга яшаганлиги ҳақи-ҳурматини ё кадр-ҳимматини? Ёки бўлмаса Ҳодиса опага бўлган ҳурматини? Кўз очиб кўрган аёлига бўлган эҳтиромини? Инсоний улуғликими? Одамгарчиликми? Билмадим - буни не деб аталаркин?! Ҳар ҳолда юраги кенг, жўмард, белида белбоғи бор ўғлонлар қўлидан келади бундай хотамтойлик. Оддий косиб отадан, хокисор, маъсума аёлдан олган бебаҳо тарбия бўлса не ажаб?..

Бу каби хонадон соҳиби-уюсхобаларига, ота-оналарга таъзимда бўлсак ярашади. Маҳалламизнинг кўрки, юрт тинчлиги хонадон ободлиги, фарзандлар баркамоллиги, оқибатлилиги - шу оиладан бошланади, чамамда. Чунки: "Кўш уйида кўрганини қилиди", - деб бежиз айтишмаган. Юртимизда эса ота-онасига меҳрибон инсонлар кўп бўлишини, ибрат ола аризулиги ҳамсояларига ҳавас қилиб ўрнак олиб яшашларини барчага тилаб қоламан.

Машхура ИСХОКОВА

1988 йилнинг 1 январь кунини эди. Ўзимизнинг жамоа худудимизни машинада айланиб чиқдим. Ҳеч қайси дўконда гўшт йўқ эди. Шаҳарга боришга ният қилдим. Бозордан майда-чуйдалар билан бирга гўшт ҳам олиб келдим. Унгача соат 12 бўлди. Тушлик овқатдан сўнг Шофирконга бориб келмоқчи бўлдим. Турмуш ўртоғим:

- Бугун байрам-ку, бошқа кун борарсиз, дамингизни олинг, - деб қолди.

- Дада, бошқа кун борақолинг, бирга дам олайлик, бугун байрам-ку, қолақолинг, - деб ялинди катта қизим Гулчехра ҳам.

- Э, қизим, машина билан икки соатда бориб келаман. Сизлар мантини ҳозирлайверинглар, - деб йўлга отландим. Ёғждувон чегарасидан Шофирконга қараб бораётганимда аста-секин ёғмир ёға бошлади. Ҳаво анча совуқ. Бир кишлоққа яқинлашганимда йўл четида турган кекса чол ва икки аёл кўл кўтарди. Машинани тўхтатдим. "Ўғлим, бизни Шофиркон яқинидаги "фалон" кишлоққа олиб бориб қўйинг. Жанозага кечикаялмиз. Рози қиламиз болам, - деди у ёлвориб.

- Бобожон, вақтим йўқ, мен Шофирконга бориб, яна ортага қайтишим керак, - дея машинани ҳайдадим. 50-60 километр тезликда машинани ҳайдаб бораёяман. Бир катта захкаш кўпригидан ўтаётган эдим, ҳамки тарақлаган товуш эшитилди. Қарасам, рул менга бўйсунмаяпти, машинам ўнг томондаги тутолари уриб, йўлдан бир метрлар чамаси паства, пахта учун шудгорланиб суғорилган ерга қараб кетди. Шу ерда ўзимни йўқотдим. Машина 2-3 марта ағдарилгач, орқаси билан тутта иланиб қолибди. Рул юқорига, мен эса орқа ўриндиқда бошим паства бўлиб ётибман.

Ўзимга келгач, бошимни қимирлатдим. Не кўз билан қарайки, машинанинг 4 та эшиги ҳам пачоқланган. Аммо, ўзимнинг бирор жойим шикастланмапти. Фақат, қаттиқ кўрқанмидан дағ-дағ титрайман. Атрофга қарайман. Юрагим гупиллаб тез-тез урар, ёрдам берадиган бирор жон кўринмади. Эҳ, яратган

КАЛБИМДАГИ БИР ОҒРИК

эгам? Нега шу ҳол юз берди? Ҳалиги чол ва аёлларни миндириб уйгача олиб бориб қўймаганимга ўзинг жазоладингми? Агар шу кишиларни олиб кетаётганимда шу ҳол юз бериб шуларга бир гап бўлса, нима бўларди? - деб миямда минг бир савол бор эди. Нима бўлганда ҳам тезроқ машинани торттиб уйга қайтишим зарур. Нима қилишим, машинадан қандай чиқишим керак? Бундай қарасам, машинанинг олд ойнаси йўқ. Шу жойдан эмаклаб чиқдим. Пастга тушиб қарасам 3-4 метр нарида машинанинг олд ойнаси бус-бўтулгичча турибди. Йўлга чиқиб ўтирдим.

Шу пайтда Ёғждувон томондан келаётган янги "Запорожец" машинаси келиб олдимда тўхтади. Машинадан 2 киши тушди ва мен билан саломлашди.

- Нима бўлди, тинчликми? Бу ҳол қандай юз берди? - деди бири мулоимлик билан. Бўлган воқеани айтдим. Улар ўзларини таништиришди:

- Мен, шу Дўрмон кишлоқ советининг раисиман, бу киши эса шу колхознинг раиси. Амаки, сизга нима ёрдам керак? - деди бири.

- Агар мумкин бўлса, машинани торттириб уйгача олиб боришга трактор топишга ёрдам берсангизлар, - дея илтимос қилдим.

- Бўпти, ҳозир ярим соатда 2 та тракторчи ва бир милиционерни юборамиз. Сизни уйгача олиб бориб қўйишадими, - дейишди ва "Запорожец"га ўтириб кетишди.

Ҳақиқатан ҳам ярим соатдан сўнг тракторчилар ва милиционер келди.

"Москвич"имни тракторда торттириб уйга келдик.

Машинани-ку бир ойда тазаттириб олдим. Аммо, бу фалокат менинг қалбимда катта оғрик қолдирди. Шундан сўнг сал ҳафа бўлсам ёки қувонсам ўнг қўлим ҳам, қалбим ҳам титрайди деган бўлиб қолди. Негаки, ишим кўп бўлса ҳам ўша таъзия кўлимида, совуқда дилдираб турган одамларни айтган жойларига олиб бориб қўйишим керак эди. Ханузгача бир нарсасига афсусланаман. Дўрмон кишлоқ Совети раисининг исми-фамилияси ким эди? Ўша ердаги колхоз раисининг фамилияси-чи? Тракторчилар-чи? Буларни унутти бўладими? Нега ўша вақтда сўрамадим?

Қани энди уларга шу гапларимни айта олсам: "Қадрили инсонлар! Йиллар ўтса ҳамки, мен Сизларни унутганим йўқ. Яратган эгам Сизларнинг оилангизга бахту саодат, эзгуликлар насиб этиб, бир учрашиш насиб этса. Сизларни бағримга босиб, яна бир бор ташақкур айтсам! Менинг манзил-ме: Бухоро вилояти Ёғждувон тумани, "Зарафшон" ширкат хўжалиги. Албатта келинлар, ўн беш йил олдинги воқеаларни эслаб, бир гурунглашайлик азизлар.

Ғайбулла АБДУЛЛАЕВ
Бухоро вилояти

НЕЧУН ХОМУШСИЗ?

Дўстим! Атрофга қаранг. Яна баҳор келди. Табиат аллақачон яшил либосига буркиниб олган. Қийос очилган ўрик гуллари-га бир боқинг-а, димоғингиз чоғ бўлиб кетади. Шоирлар кўнглига илҳом бағишлайдиган баҳорнинг тиниқ томчилари орадада ажиб ҳиссиёт уйғотади. Бодом гуллари шодлигини яширолмай хандон отиб қулганларидан тўқилиб кетади.

Аммо сиз нечун хомушсиз? Қайдан ёпишди сизга бу маъзунилик! Ахир дунё фақат гамдан иборат эмас-ку! Сизни баҳор ҳам наҳотки овутолмаса! Баҳорнинг эркатой қизи бўлган ҳушбўй аттиргулар наҳотки қўларингизни қувнатмаса! Билмадим, не ўйлар кечдики бу азиз бошингиздан!

Туни билан мижжа қоқмай чиқингиз. Қайси гумуроқ сизни ўқситиб кетди. Эндигина эккан умид ниҳонингизни сиңдириб кетди. Ё бўлмаса боғингиздаги энг сўлим гўнчани. Ҳа, ўша сўлим гўнчани. Ҳар ёнига борганингизда бағрингизга босадиган гўнчани очилишини интиқиб кутаётган гўнчани узиб кетди.

Ё йўлларига илҳақ бўлиб кўз тикаётганингиз келмадими, ёки йўлларингиз айро тушдими? Қаранг. Туни билан тўккан кўз ёшларингиздан ёстигингиз хўл бўлиб кетибди, худди осмон йиллаб ерни хўл қилгани каби. Бас! Бу фоний дунё тўккан кўз ёшларингизнинг заррасига ҳам арзимайди.

Дўстим! Ҳаётда хотиралар бўлади, аммо хотиралар билан яшаб бўлмайди-ку! Сизга тинчлик бермаётган, сизнинг оромингизни ўғирлаётган хотираларни унутинг. Агар унуттиш қўллингиздан келмаса, юрагингизга, юрагингизнинг ҳам туб-тубига кўмиб қўйинг уларни. Вақт ҳаммасини даволайди.

Дўстим! Ё бўлмаса сизга оғрик бераётган эмас, сиз оғритган, сиз ранжитган кўнглиларни эслаб виждонингиз қўноқдами, ёки хоксоргина онангизни битта ноўрин сўз билан

ўқситганингиз учун шу ҳолга тушдингизми?! Йўқ-йўқ! Бундай эмас. Сиз мени алдолмайсиз. Ҳатто майсага ҳам озор беришни истамайдиган, билмасдан озор берганида ачинаиб кўз ёш тўқадиган инсоннинг қўлидан келадиган иш эмас бу! Ногоҳ фалокатдан қанотлари қайрилган қушчани бариға босиб, эркаловчи кўнглининг иши эмас бу! Наҳот истаб келганларга мурувват қўлини чўзадиган инсоннинг иши бундоқ бўлмайди. Яқинларининг кўзидан зарра ёш томганини кўрганда бир дарди минг дард бўлиб, тунлари кўз ёш билан юзини ювиб чиқадиган, яқиним ўқсимасин деб тонгда қулиб уйғонадиган, дилидан гамини кетказишга кўмаклашадиган қалбнинг қилимиши эмас бу.

Ушқоқдеккина, елкангиз узра кўтариб юрган дард бошқа! Дарёдек тиниқ, соф кўнглингизнинг тубига чўкиб ётган фиғон бошқа!

Дўстим! Қандай фиғон, қандай дард бўлмасин бари-барисини шу тун бағрида қолдиринг. Отинг қайғуларингизни. Зеро, "ғамни кулгу билан енгган мард", дейдилар. Бу дунёда абадий туйғулор бор, аммо абадий ҳам, абадий шодлик йўқ, бари-бари ўтиб кетади. Вақтни бой берманг. Ёшлик ўтгандан сўнг кўмсаганингиз билан фойдаси йўқ. Сизнинг сўлгин эмас, яшаб турган нигоҳларингизни кўрмоқ истайман. Сизнинг дарддан титраган хаста овозингизни эмас, шодлик нафаси уфуриб турган янграқ овозингизни эшитмоқ истайман.

Ойсоат АБАЗОВА

Термиз шаҳри

ҚОН ТОЗАЛОВЧИ ЖОНЗОТ

Баҳор келди дегунча баъзи кишилар табиёт зулугини излаб қоладилар. Бунинг сабаблари бор. Зулук солувчи кишилардан: "Нима сабабдан зулук солдирасиз?" - деб сўрасангиз: "Харом қон тинчлик бермапти, юз-кулоқларим лўқиллаб оғрийд, кичишади. Зулук солдирмасам яра тошиб кетади, баданимнинг баъзи жойларида ёрилиш пайдо бўлади", - деб жавоб беришади. "Харом" қон ҳақиқатан борми? Буни табиёт ходимлари тажрибалаб асосида тасдиқлади. Киши қон томирлари "деворлари" шамоллаши, яллиғланиши сабабли томирларнинг айрим қисмларида тўсиқлар пайдо бўлади. Натижада, қон томирдан нормал ўтмайди. Соланган зулук эса тўсиқни излаб топади ва қўйилиб қолган қонни сўриб олади. Қоннинг юриши нормаллашади...

Кези келганида, қизик бир мисол келтирамиз. Матбуот хабарига кўра, америкалик бир боланинг кулогини ит тишлаб, узиб олади. Шифокорларнинг сай-ҳаракатлари туфайли кулоқ жойига тикилади. Аммо, ҳа деганда уланган кулоқ супрасига қон юрмайди. Нима қилиш даркор? Шунда зулук ёрдам берди, кулоқда қон айланиши тикилади!

Ҳа, бир неча ўн йиллар муқаддам кўпгина амалиётчи шифокорлар айрим хасталикларни даволашни зулукларсиз тасаввур ҳам этиша олмас эди. Улардан жуда кенг, юрак хасталикларидан тортиб, то бўгин хасталикларини даволашгача фойдаланишар эди. Зулукларни муайян даражада фан-техника тараққиётининг қурбони деса бўлади, чунки қисқа вақт ичида уларнинг ўрнини мукамал деб таҳмин қилинган доривор воситалар эгаллаган эди, аммо бир неча йил муқаддам, бир қатор Фарбий Европа мамлакатларида ва

АҚШда зулуклар эл оғзига тушиб қолди. Бунга Уэллсда зулукларни ўрганиш ва кўпайтириш бўйича махсус лаборатория ташкил этган инглиз шифокори Рой Соьер илмий тадқиқотлари ва тажрибалари туртки бўлди. Рой Соьер техника ва доришуносликнинг энг сўнгги ютуқлари ҳам кўхна зулуклар ўрнини боса олмайди, деган хулосага келганди. Шифокор Соьер тажрибалари йўли билан зулукларнинг асосий сири уларнинг нодир компонентлари бўлган сўлақларида эканлигини исботлади. Юрак қон томирлари, тромбофлебит, гипертония (қон босими ошиши) хасталикларининг жарроҳлик аралашувидан сўнг қон айланишини тиклашда, шунингдек бир қатор бошқа хасталикларда зулуклар хизматидан фойдаланиш мумкин. Дарҳақиқат, тош асри даволаш усули табиётда атом асрига ёрдамга келмоқда.

Шуниси қизиқарлики, зулуклар асосида янги дори тури - "Тивият" яратилди. Бу янги дори тромбофлебитда, паритонхотирликка қарши, қон босимини пасайтиришда маълумдир. Лекин бу дори тури ҳозирча оммавий равишда ишлаб чиқарилгани йўқ, синовдан ўтказилмоқда.

Тиббиёт зулуги Кавказда, Украинада, Молдавияда кўлаб учрайди. Москвада махсус биофабрикада зулуклар бор. Зулуклар кўлмак ёки сув ўти кўп бўлган, лекин оқадиган сувларда ҳаёт кечиради. Зулукнинг танаси чўзиқ, ясси, бир томонга қараб торайиб борувчи бўлиб, 90-100 та ҳалқадан ташкил топган. Унинг бош томони ингичка бўлиб, иккита

сўргичи бор.

Дорихонадан олинган зулуклар махсус шиша идишларда сақланади. Идишдаги сувни ҳар куни янгиллаб туриш лозим. Қудуқ ва водопровод суви зулук учун зарарли. Бундай сувнинг оз миқдордагиси ҳам уни нобуд қилиши мумкин. Ёш ва қари, тимқора зулуклар ишлатилмайди. Ҳар бир зулукка бир маротаба қон сўрилади, холос. У қон сўраётганида ўзидан қоннинг ивимайдиған гирудин ферментини ишлаб чиқаради. Бу фермент зулук қон сўраётганда, унинг сўлаги билан бирга кишининг томирига ўтади ва қоннинг ивишига йўл қўймайди.

Зулукни қуриб, асалга солиб яланса, томоқ оғригини қолдиради, буйракдаги тошларни майдалашда ёрдам беради. Туйиб, алоқ билан қўшилгани эса бавосил ярасини қурилади. Суркалганда эса доғларни кетказди.

Зулук қўйгандан кейин совуқ сув ичмаслик керак. Аччиқ, шўр нарсалардан ҳам емаслик лозим. Зулукни қўйишдан аввал бемор кишининг аъзоси кизарганча ишқаланади, сўнг зулук қўйилади. Зулукнинг шишганига қараб, уни тўйди деб гумон қилиб, куч билан ажратишга уринмаслик керак. Тўйгандан сўнг ўзи тушиб кетади. Ёки тушириш зарур бўлса, озгина кул ёки туздан оғзига сепилса ёки пиёз теккизилса, дарҳол тушиб кетади.

Зулукни эрта баҳордан то ўрик гуллагунча қўйиш керак, холос. Бошқа фаслларда ёрдам бермайди. Зулукни шифокор маслаҳатига кўра қўллаш керак.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ
доришунос



ОЁҚ ТОМИРИ ТОРТИШИДАН САҚЛАНИНГ

Оёқ томири ҳамма кишиларда, ҳатто чақалоқларда ҳам тортишиши мумкин. Бундай пайт қандай томир тортишади - лимфатикми, асаб томирими, қон томирими ёки бу мушакнинг тортилишими, кўпчилик билмайди. Тиббиёт амалиёти маълумотларига кўра оёқ томири турли касалликларда: умуртқа поғонаси бўғимларида туз йиғилганда, бод, склероз, асаб ва шунга ўхшаш бир қанча касалликларда тортишиши кузатилади. Аммо у баъзи сурункали касаллик белгиси бўлиши ҳам мумкин экан. Томир тортишининг асосий сабабларини шифокор-мутахассислар аниқлашади. Уларнинг таъкидлашича, томир тортишлар (судороги) - бир мушакнинг ёки бир неча мушакларнинг беҳосдан ихтиёрсиз қисқариши бўлиб, улар ҳар хил сабаблар туфайли пайдо бўлади: мушак ҳужайраларида моддалар алмашинуви, сув ҳамда туз мувозанатларининг бузилиши, организмнинг умумий қарнаши, мушакларнинг толиқиши, ҳаддан ташқари асабийлашиш, ундан ташқари кўп ўтириб ишлаш, дим хонада узок туриб қолиш, узок вақт пиёда юриш, спиртли ичимликларни кўп суиистеъмол қилиш, тамаки, носни кўп чекишда пайдо бўлиши ҳам аниқланган. Юқоридagi сабабларга кўра томир тортишлар онда-сонда бир, тасодифан

ёки ҳафтада, ойда, йилда муайян тақорланди туради.

Бу борада қуйдаги маслаҳатларга амал қилинг:

1. Агар одам ўтирганда, юрганда томири тортишиб қолса, бир қўл билан оёқ панжасини ёзиб, болдир мушакларини аста-секин ва пастга томон қараб силаш лозим.
2. Агар ётган жойингизда томир тортишса, дарҳол ўринингиздан туриб, томири тортишган оёгингиз панжасини сал ёзинг, товонингизни полга ёки қаттиқроқ текис жойга тираб, юқорида қайд этилганидек силанг.
3. Тез-тез томири тортишиб турадиган кишиларга умуман оёқни иссиқ тутуш тавсия этилади.
4. Куннинг иссиқ пайтларида оёқ болдирига ва панжага вақти-вақти билан парфун, озокерит, балчиқ қўйиш, ҳамда оёқни силатиб туриш яхши ёрдам беради.
5. Тунда оёқ ва товон мушаклари тортишмаслиги учун бир ҳафта доимий равишда овқатланишдан олдин кунига 3 маҳал 2 чой қошиқ асал истеъмол қилинг.
6. Эрталаб ва кечкурун оёқ кафтини, янги лимон шарбати билан суртиб юринг. Лекин оёқ кафтини артайм, шарбат қуриган пайпоқ қийинг.
7. Оёқнинг тез-тез томири тортишиб турадиган жойини махсус доривор ўтлар мойи билан суртиб туриш тавсия этилади.

Сафар МУҲАММАДИЕВ

ТЕТИК ВА ЕНГИЛ БЎЛИШГА НИМА ЕТСИН

Доимо тетик бўлиб юриш, шубҳасиз ўзингизга боғлиқдир. Фақат хафсала қилиш керак. Айтайлик, уйда, ишда ўтириш ҳолатингиз арзимеган туюлса-да, аҳамияти каттадир. Ўтирган жойингиздан туринг-да, қўлларни бош орқасига қўйинг, бир йўла елкаларни тўғирлаб олинг, чуқур нафас олинг. Бу машқни 2-3 марта такрорланг.

Ўтирган ҳолда болдир мушакларини таранг тортиб, сўнг аста-секин бўш қўйинг. Бу машқни ҳам 2-3 марта қайтаринг. Сонларда ҳам шундай машқларни қайтариб қўринг. Сўнг думба мушакларини аста, лекин 1-2 марта каттиқ тортинг-да, секин бўшатиб боринг. Бу машқ 4-5 марта қайтарилади. Кўрак ва елка мушаклари билан бўладиган машқлар ҳам шу тарзда ўтказилади. Уларни 3-4 марта такрорлаш мумкин.

Энди қўлларга ўтамиз. Аввал қўл панжалари, кейин билалар ва елкада ҳам юқоридагидай машқларни бошлаб, қоринда тутатинг.

Дутиринг.

Бўйин билан бўладиган машқлар бўйин мушакларини чинқирибгина қолмай, бош миёнда қон айланиш жараёнини яхшилайд.

Стунда ўтирган (ёки турган) ҳолда тиззаларни баланд кўтариб турган жойда кадам ташлайсиз.

Энди мана бу машқларга эътибор қилинг:

1. Олдинга энгашинг, энгак кўрак қисмига тегиб турсин, 4-5 марта қайтаринг.

2. Орқага энгашинг, гардан елкага тегиб турсин, 4-5 марта қайтаринг.

3. Бошни чап томонга, сўнг ўнг томонга буриг. (Ҳар бир томонга 3-4 маротаба бурилиг, энгак кўтарилган бўлиши керак)

4. Елкаларни тўғирланг, 1 деганда энгакни чап елка томон буриг, 2 деганда ўнг елка томонга буриг. Ҳар бир томонга 4-5 марта бурилиг.

5. Бир деганда кулоқни чап елкага теккизинг, икки деганда ўнг елкага ва ҳоказо. Бу ҳаракатни ҳам 4-5 марта қайтаринг.

6. Бошни 2-3 марта бир томонга, 2-3 марта иккинчи томонга айлантиринг.

Бўйин билан бўладиган машқларни аста-секин, майин, тинч бажаринг, негаки бош айланиб қолмаслиги керак.

Ана шундай гимнастикадан сўнг ўзингизни тетик, енгил ҳис этасиз. Агар чарчама-сангиз, машқлар миқдорини оширишингиз мумкин.

Ж. АСАДОВА

МУНАЖЖИМЛАР БАШПОРАТИ



КҲЙ
(21.03 — 20.04)

Шу ҳафта сиз янги танишларингиздан эҳтиёт бўлинг. Улар сизга ташвиш орттириб қолмасдан, яқинларингиз билан сизнинг ўртангизда низолаб келтириб чиқариши мумкин.



СИГИР
(21.04 — 21.05)

Омадли кунларингиз кўп бўлади. Аммо, бахт билан бахтсизлик ҳар доим ёнма-ён бўлишини ҳам унутманг. Сешанбада соғлигингизга эътибор беринг.



ЭГИЗАКЛАР
(22.05 — 21.06)

Қарзларингиздан қутулишга ва ҳеч қандай қарз олмасликка ҳаракат қилинг. Шу ҳафта молиявий ишларингизни тартибга солинг ва оилангизни ҳам унутманг.



КИСКИЧБАКА
(22.06 — 22.07)

Муваффақиятга тинимсиз меҳнат эвазига эришиш мумкин. Ушбу ҳафтада сиз бунга ишонч ҳосил қиласиз. Аммо, изланишни бўшаштирмаслигингиз керак.



АРСЛОН
(23.07 — 23.08)

Келгуси ишларингиз ҳақида жиддий режалар тузинг. Ишбилармон одамлар билан маслаҳатлашиб ўйлаган ишларингизни бажаришга киришинг. Яқинларингиз кўмагига таяниб иш тутинг.



БОШОҚ
(24.08 — 23.09)

Одатдаги ҳаёт тарзингизни ўзгартириб кўринг. Чунки, бу ўзгариш ҳаётингизга кўп янгиликлар олиб келади. Ёлғизлар эса ўз бахтини топишлари мумкин.



ТАРОЗУ
(24.09 — 23.10)

Шахсий ҳаётингиз қувончларга тўлади. Сиз ўзингиз қўлдан истаган орзуларингизга етасиз. Ҳатто шу ҳафта оилангиз билан шинам уйга қўчи ўтишингиз мумкин.



ЧАЁН
(24.10 — 22.11)

Ҳафтанинг бошланиши одатдагидек ишлар билан тигиз бошланади. Даромадли хизматга ўтишингиз эҳтимоли бор. Имониятни қўлдан бой берманг.



ЎҚОТАР
(23.11 — 21.12.)

Ҳар доимгидек омадлисиз. Аммо, соғлигингизга бефарқ бўлишингиз, сизга анча нохушлиқлар олиб келиши мумкин. Саломатлигингиз ҳақида жиддий ўйлашингиз керак.



ТОҒ ЭЧКИСИ
(22.12 — 20.01)

Қариндошларингиз билан алоқани янада қаттиқроқ боғланг. Уларга қўлингиздан келганча ёрдамлашинг. Улар оғир дамларда хамиша сизга суянади, буни унутманг.



КОВҒА
(21.01 — 18.02)

Ҳафтанинг охиригача қаттиқ толиқасиз. Меҳнатингиз махсулидан кўнглингиз тўлади. Асабларингизга дам бериш учун дам олиш кунларини саёҳатда ўтказинг.



БАЛИҚ
(19.02 — 20.03)

Ушбу ҳафтада хизмат сафарига кетишингиз эҳтимоли бор. Тасодифий танишувлардан эҳтиёт бўлсангиз. Кўнглисиз воқеаларнинг олдини олган бўласиз.

Б. САЙИДАТИЕВА таяёрлади

ЎЗИНГИЗНИ НАЗОРАТ ҚИЛА ОЛАСИЗМИ?

Фараз қилайлик, сизнинг ақл-хушингиз жойида, ҳаётингиз жуда яхши, бир маромда, тинчгина ўтаяпти ва ўзингизни ҳаммадан бахтли эканлигингизни инкор этолмаймиз. Лекин, ана шундай ҳолатни бир умрлик ҳаётингиз мобайнида сақлай олишингизга қурбингиз етадими?

Куйидаги тест саволлари орқали ўз иродангизни текшириб кўришингиз мумкин. Фақат ҳар бир саволга "ҳа" ёки "йўқ" дея жавоб бериб, ўз куч ва иродангизни аниқлашингиз мумкин экан.

1. Мен ўзимнинг зиммамдаги маъсулиятимни ёки бирор бир хато-камчилигимни яқин кишиларим елкасига ағдармайман.

2. Бахтли оиланинг мустақиллигини, оқсоқиллигини асраш - оила аъзоларининг бир-бирларига

бўлган ишончларида, деб ўйлайман.

3. Ўзим танлаб, севиб, бирга яшаётган умр йўлдошимни танлаганимга ҳеч ҳам пушаймон бўлмаганман.

4. Мен аслида бошқалар ўйлаганидан кўра саҳий ва ишончли одам эканлигимга ишонаман.

5. Мактабда ўқиб юрган кезларимда бирор марта бўлса-да, уйга берилган вазифамни бажармай туриб, кўчага ўйнагани чиқмаганман.

6. Ҳаётимда ҳар доим турмуш ўртоғим ва ота-онамнинг маслаҳатларига амал қиламан.

7. Севги-муҳаббат ҳақидаги кинофильмларни кўрганамда, кино қаҳрамонлари раҳимли келиб кўзларимдан ёш чиқиб кетади.

8. Турмуш ўртоғим билан

умумий танишларимиз ҳақида гийбатлашмайман.

9. Ҳар сафар бир янги

одам билан танишганимда, унинг мен ҳақимда ёмон фикрга бормаслигига ҳаракат қиламан.

10. Турмуш ўртоғига сездирмаган ҳолатда четда бўладиган ишк-муҳаббат, оилани фақат мустақамлайди, деб ўйлайман.

11. Фарзандларим ҳеч қачон ҳақимни чиқаришмайди.

12. Агар баъзи бир шароитлар ғов бўлмаганида эди, ҳозиргидан кўра яхшироқ маккега эга бўлардим.

13. Турмуш ўртоғимга унга уйланганимга қадар бўлиб ўтган учрашувларим ҳақида айтмаганман.

14. Бировларга баҳиллик қилиш ёки гараз билан қараш менга ёт нарса.

15. Ўз оиламни сақлаш мен учун ҳамма нарсадан муҳим.

"Ҳа" ёки "Йўқ" жавобини ёзишда куйидаги жадвалдан фойдаланинг

№	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
Ҳа	-3	-3	3	3	3	3	3	-3	3	3	3	3	-3	-3	-3
Йўқ	3	3	-3	-3	-3	-3	-3	-3	-3	-3	-3	-3	3	-3	-3

0 - 21 баллгача - Сизнинг шиорингиз: «Бунда ўзгалар айбдор. Мен бегуноҳман...». Баъзида сиз ҳамма гап-сўзни ичингизга ютиб юравериб, ўзингизга фойда келтирадиган тарзда чиқаришингиз мумкин экан. Баъзида эса сирингизни ошқор этиб қўямаслик учун доим хушёр бўлиб юрасиз ва бу сизни қийнайди. Сирингиздан оғоҳ бўлганлардан ҳам ҳавфсиз раб қийналасиз. Хуллас, ўзингизга юклатилган маъсулиятингизни иродасизлик қиласиз ва бунда бошқаларни очик ёки киши билмас айблайсиз.

- 22 - 45 балл - Сизнинг шиорингиз: «Улай агар ҳеч нарса бўлган эмас». Болалигингиздан воқеа-ҳодисани бебаб, бўрттириб бошқаларга етказасиз. Сиз ўз ёлгонларингизни шундай боплаб ишлатасиз-ки, унинг ёлгонлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди, ҳатто ўзингиз ҳам бунга ишонасиз. Турмуш ўртоғингиз ҳам кеча нега кеч келганлигингизни сўраб ҳам ўтirmайди. Чунки сиз ёлгон тўқишда уста-си фарангсиз ва барча

ёлгонларингиз жазосиз қолиб кетаверади. Фақат энг ёмони сиз ўз-ўзингизга ишонмаганингиздек, яъни ўзингизни-ўзингиз назорат қилишдек туйғуга эга бўла олмаганингиздек, бошқалар ҳам сизга ишонишмайди.

- 23 дан - 1 баллгача - сизнинг шиорингиз: «Индамаслик яъни сабрнинг таги олтин». Ўзингизни ҳалол, тўғри сўз инсон деб биласиз. Ҳатто, энг оғир дамларда ҳам ёлгон сўзлашни ўзингиз учун гуноҳ ҳисоблайсиз. Ўзингиз ва оилангиз мустақамлиги олдида маъсулиятингизни сезасиз. Оилаги арзимеган ёлгонни ҳам аралаштирмасликка ҳаракат қиласиз. Ҳар бир нарсасига ақл билан қарай оласиз ва ҳар бир муаммонинг фойдали ечимини топишга интиласиз. Агар бирор бир нохушлик рўй берса иложи борича оилангизга билдирмасликка, уларнинг кайфиятини бузмасликка ҳаракат қиласиз. Турмуш ўртоғингиз вазиятни тушуниши ва тўғри қабул қила оладиган даражада бўлсагина унга етказа оласиз. Демак, сиз ўзингизни назорат

қила олиш ва оилангиз мустақамлигини сақлай олиш маккеига эга инсонсиз.

- 45 дан - 22 баллгача - сизнинг шиорингиз: «Ҳеч қачон ўзимни ўзим кечира олмайман». Умуман ёлгон гап-рар олмайсиз. Ёлгон гап-риш сизнинг виждонингизни қийнаб юборади. Ўз яқинларингизга ёмонликни раво кўрмаган бир пайтингизда, бошқа нарсасига чора ҳам, ирода ҳам тополмай пушаймон бўлишга мойилроқсиз. Ҳаётингизда бирор бир воқеа-ҳодиса юз берса, уни яқинларингиздан бекитмоқчи бўлсангиз, эзлиб кетиб ўз ҳаётингизни ўзингиз дўзахга айлантасиз. Нафақат оилангиз манфаатини сақлаш, балки ўзингизни қўлга олишга ҳам қийналиб қоласиз. Яқинларингизни яхши кўрган ҳолда, ўз ёлгонгизга ўзингиз куявериб, уларга фойдангиз ўрнига зарарингиз тегишидан эзиласиз. Демак, сиз на ўзингизни ва на оилангизни назоратда сақлай оласиз. Характерингизни ўзгартирмасангиз, охир оқибатда оилангизни барбод қилишингиз мумкин.

Ноҳира РЎЗИМАТОВА

Меҳрибоним "Оила ва жамият" ва азиз юртдошларим! Шу кунларда, менга кимнингдир ёрдами, маслаҳати жуда-жуда зарур. Ёлғиз ўзим қийналиб кетдим. Кунда мактуб ёзмаман-у, ёзган мактубимни ёқиб ташлайман.

Бунинг ўз сабаблари бор. Биринчидан, бу тўғрида ҳеч кимга айтмайман, деб ўзимга сўз берганман. Иккинчи сабаби эса, менинг меҳрибон онахоним ҳам "Оила ва жамият"нинг ҳар бир сонини қолдирмай ўқийдилар. Газетани ўқисалар бунинг мен ёзганимни билиб қолишларидан жуда ҳам кўрканман. Аммо, ёзмасам ҳам бўлмайди-да. Бу мактубимни "севги" деб аталмиш туйғунинг қанчалик аянчли азобларида қолганлигим туйғули ёзаяпман. Кошки шу билан кўнглим таскин топса?...

Инсон ҳаётида шундай вақтлар бўлар эканки, баъзан киши, қай йўлни танлашни билмасдан одамларнинг маслаҳатларига муҳтож бўлиб қоларкан. Мен ҳам ҳозир худди шу аҳволдаман. Бу ҳақда на онамга, на опамага ва на дўғоналаримга айта оламан.

Табиатан кўнгилчан бўлганлигим учунми, ҳар нарсасига йиғлаб юборавераман. Газетада ўзиникига ўхшаш воқеаларни ўқисам, уларга ачинардим. Аммо бу ҳол қачонлардир ўзининг бошимга тушиши мумкинлигини ўйламасдим. Авваллари севги нима эканлигига тушунмасдим ҳам. Бировларнинг

"ўлдим", "қуйдим" деган сўзларини оддий ҳолдек қабул қилардим. "Танаси бошқа дард билмас" деганларидек, бошимга тушмагунча, бу дардларни тўлалигича ҳис қила олмасдим. Эҳтимол, кўнгилчанлигим туйғули шу куйга тушангирман? Билмадим!... Ҳозир юрагимда гапларим шундай тошиб ётибдики, нимадан бошлашни ҳам билмайман.

Оиламизда 8-нафар фарзандимиз. Шулардан 5 таси ўғил, 3 таси эса қиз, мен эса еттинчи фарзандман. 6 таси уйли-жойли бўлишган, уйда мен ва синглим қолган. Менга совчилар кела бошлаганда 9-синфда ўқир эдим. "Хали бу ўқувчи, мактабни тугалласин, олдида акаси ҳам бор", - деб уйдагилар уларни қайтаришар, мен бундан хурсанд бўлардим.

Мактабни тугаллаб ўқишга кириш ниятида бўлганим учун турмушга чиқиб ўйламасдим. Мактабни тугаллагач, онамга, энди ўқишга боришимни айтдим. "Озгина кут, аканг ўқишни тугатиб олсин", - дейишди. Бизнинг оиламиз катта бўлганлиги сабабли моддий жиҳатдан қийналардик. Ойлар кетидан йиллар ҳам сувдай ўтиб борарди. Охириги акамни хизматлари ва ўқишлари тугаган уйланти-

ришди. Яна совчилар кела бошлашди. Мени эса юрагимда яна ғашлик пайдо бўлди. Кунларнинг бирида онам мени чақириб: "Отанг совчилар келса жавобингни бермоқчи, нима дейсан", - дедилар. Мен эса



йиғлаб юбордим ва ўқишга кирмоқчи эканлигимни тушунтирдим. Унда мен 19 ёшда эдим. Ўқшимга отам қаршилиқ қилди. Шундай бўлса-да бир амаллаб ҳужжатларни, ўзим хоҳлаган соҳада бўлмаса-да, бир техникумга топширдим. Ўқишга қабул қилинганлигимдан сўнггина бунинг уйдагиларга айтдим. Сўнг отам ҳам рози бўлдилар, лекин битта шарт қўйдилар. Ўқишимни сиртқиға айлантиришим керак эди. Ҳаммаси отам айтгандек бўлди. Ишга ҳам жойлашиб олдим. Яна совчилар келгач, онам мени чақириб: "Энди нима дейсан", - дедилар. "Онажон, энди ўқишим тугамагунча, менга бу тўғрида сўз очманглар", - дедим.

Уйдагилар бири қойиб, бири менга маслаҳат беришар эди. Мен эса ўз билганимдан қолмас эдим. Янгаларим ҳам ҳайрон бўлишиб: "М. наҳотки бирор бир йигит кўнглингизга ёқмаса? Ё севганингиз борми?" - деб сўрашарди. Мен эса: "Йўқ, бўлмаган ҳам, бўлмайди ҳам", - дердим. Ростдан ҳам севган йигитим йўқ эди. Мактаб даврида ҳам, ўқишда, ишда ҳам кўп йигитлар севги изҳори қилишган. Бир мактуб орқали, бири ўртага киши қўйиб, бири эса ўзи. Аммо ҳаммасига ҳам рад жавобини бергандим. Йигитларга умуман ишонмасдим. Кўпинча газета-журналлардан севги, муҳаббат тўғрисидаги мақолаларни кўп ўқирдим. Ундаги алданиш, хўрланишлар тасвир қилганими ёки кўп севги моҳирлари гувоҳи бўлганлигим сабаблими билмадим.

(Давоми бор.)

Бухоро вилояти

М.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Таъриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 302. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобқ.
Баҳоиси эркин нархда. Адади - 22517
Саҳифаловчи - Акбар ШОДИЕВ.
Расмом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - Л. АХМЕДОВА.
Мусахҳих - С. САЙДОЛМОВ.